

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ**  
**ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқукида**

**АДИЛОВА ДИЛОРОМ**

**САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ**

**5A581001 – “Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги**

**“Ландшафтлар архитектураси” бўйича магистр**  
**даражасини олиш учун**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Диссертация кўриб чиқилди  
ва ҳимояга рухсат берилди.

“Архитектура назарияси ва тарихи”

кафедрасининг мудири

А.С.УРАЛОВ \_\_\_\_\_

Илмий раҳбар: арх.ф.д.,проф.

А.С.УРАЛОВ \_\_\_\_\_

САМАРҚАНД – 2011

**Кириш**

**I-боб. Қадимги ва ўрта асрларда Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси**

- 1.1. Қадимги Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг шаклланиши
- 1.2. Ўрта асрларда Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг ривожланиши
- 1.3. Самарқандда Чор Россияси даври ландшафт архитектураси

I-боб хулосаси

**II-боб. Самарқанд шаҳрининг Собиқ Иттифоқ давридаги ландшафт архитектураси**

- 2.1. Собиқ Иттифоқ даврида ландшафт архитектурасидаги ўзгаришлар
- 2.2. Собиқ Иттифоқ даври боғ-парклари ва уларга хос хусусиятлар
- 2.3. Ландшафт архитектурасига хос бошқа объектлар:

- шаҳар кўчаларининг ландшафт архитектураси
- турар жойлар ва микрорайонлар ландшафт архитектураси
- скверлар, бульварлар ва майдонлар
- пиёдалар кўчалари ландшафт архитектураси

II-боб хулосаси

**III-боб. Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар**

- 3.1. Мустақиллик йилларида яратилган боғ-парклар
- 3.2. Шаҳар майдонлари ва кўчаларининг ландшафт архитектураси
- 3.3. Жамоат бинолари атрофларининг ландшафт архитектураси
- 3.4. Меъморий ёдгорликлар ҳудудларининг ландшафт архитектураси
- 3.5. Ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар
- 3.6. Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофи ландшафт масканларини минтақавий комплекс ечиш муаммолари

III-боб хулосаси

**Якуний хулосалар, диссертация натижалари ва таклифлар**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ

Самарқанд деганда, ҳар қандай инсоннинг ҳам калбини ром этиб, умрбод ўзига мафтун қилиб қўядиган, бир кўрган одам, қани эди яна бир бор кўрсам, деб орзу қиладиган гўзал ва буюк шаҳар ҳаёлимизда намоён бўлади.

Ислом Каримов

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Ландшафт муайян бир географик ҳудудга хос бўлган табиат манзараси (ер юзаси, рельефи, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, суви, иқлими)ни белгиловчи умумий тушунча. Ландшафтнинг бир-биридан фарқ қилувчи табиий турлари мавжуд. Масалан, тоғ ландшафти, дашт-чўл ва саҳро ландшафти, тундра ландшафти, океан, денгиз ландшафти ва бошқа ландшафтлар. Буларнинг барчаси табиий географик ландшафтларга киради. Бироқ маданий ландшафтлар гуруҳи ҳам мавжуд. Уларга инсон қўли ва заковати билан яратиладиган барча ландшафтлар, масалан, меъморий ландшафт, қишлоқ хўжалик ерлари ландшафти, шаҳар ландшафти, боғ-парк ландшафти ва ҳ.к. киради [17].

Ландшафт архитектураси – бу очик масканлар архитектураси ҳисобланиб, атроф муҳитни ўсимликлар, сув ҳавзалари, ер рельефи, табиий тошлар, меъморий қурилмалар, ташқи ободонлаштириш элементлари ёрдамида муайян мақсадларга мослаштириш, бадиий ландшафт шакллантириш ва лойиҳалаш санъати демакдир [30]. Ландшафт архитектураси меъморий шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, ўз ичига меъморий ландшафт яратиш амалиётининг назарий асосларини ҳам камраб олади.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талабидир. Президент Ислом Каримовнинг 2008-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида шахримиз меъморий-ландшафт муҳитининг савиясини янада ошириш масаласига алоҳида эътиборини қаратдилар.

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган “Инқирозга қарши чоралар дастури” Ўзбекистонни 2012 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади [4].

Бугун Самарқанд шаҳрини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Шаҳарнинг кўплаб кўча ва хиёбонларида кенг кўламли бунёдкорлик-қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Янги турар-жой, маъмурий бинолар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, атрофи обод этилаётир. Бу янгилик ва ўзгаришларга барчамиз гувоҳ бўлиб, қадимий шахримизнинг тарихий улуғлигига мос равишда кун сайин замонавий ва кўкамлашиб бораётганлигини кўриб қалбимиз ғурурга тўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27-январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29-январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган муаммонинг ечимларини топиш ва уни ҳаётга оғишмай жорий қилиш республикамиз ва Самарқанд шаҳри архитекторлари ва бу соҳа мутахасислари олдида катта вазифалар кўйди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб ва аҳолининг яшаш жойларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг дам олишлари учун атроф муҳит меъморий-ландшафт ечимларини замонавий талаблар даражасига кўтариш, айниқса жаҳон туристик шаҳарлари тизимига кирган Самарқанд шаҳрининг ташқи

қиёфаси, очик муҳитлар архитектурасини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўтган қисқа вақт ичида Самақанд шағрида тарих зарварақаларидан мустаҳкам ўрин олган катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида, тарихий обидаларни қайта таъмирлашда, қадриятларимизни тиклашда, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларга эришилди.

Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг бугунги ҳолатига ҳолисона баҳо бериш, унинг келажакдаги тараққиётини тўғри белгилаш учун бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниши, умумлаштирилиши ва тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Мустақиллик йилларига ҳали кўп вақт бўлмасада, бу даврда бажарилган бунёдкорлик ишлари, меъморчилик санъатининг илғор йўналишлари ва камчиликлар аниқланиши, таҳлил қилинмоғи ва ҳолисона баҳоланмоғи зарур. Тўғри, 20 йил ичида Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасида фавқулотдаги илғор йўналишлар ва бадиий-меъморий услубларнинг шаклланиб улгуриши қийин албатта. Бироқ, бу даврда бундай йўналиш ва анъаналарнинг тамал тоша қўйилган, уларни таҳлил қилиш ва ўрнатиш учун етарли даражадаги асослар йиғилган. Биз ана шу имкониятларни ҳисобга олиб мазкур диссертациянинг тадқиқот объектларини, предметини, мақсадини белгилашга ва мавзунинг долзарблигини асослашга муяссар бўлдик.

**Мавзунинг фандаги ўрганилиш даражаси.** Диссертацияда кўтарилган мавзу архитектура назарияси ва тарихи, шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва моддий маданиятимиз соҳаси билан боғлиқ илмий адабиётларда у ёки бу даражада ўрганилган бўлса-да, алоҳида диссертация кўринишидаги тадқиқот сифатида шу чоққача илмий жиҳатдан кенг қамровли ўрганилмаган. Биз ўрганаётган соҳага таалуқли илмий ишлар Т.Ф.Қодирова, А.С.Уралов, К.Д.Рахимов, М.К.Ахмедов, Д.А.Нозилов,

Е.М.Массон, Р.И.Ремпель, В.А.Нильсен, К.С.Крюков, Э.Н.Негматов, Л.А.Адилова каби олимларнинг ишларида учрайди.

Бирок, таъкидлаш керакки, ушбу олимларнинг ишларида ҳам бизгача сақланмаган Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси масалалари, айниқса, Мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ёки оширилиш керак бўлган ишлар таҳлиliga тўхталиб ўтилмаган. Президентимиз И.Каримов ҳар сафар Самарқандга ташриф буюрганларида нафақат шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, балки шаҳар архитектураси, шаҳарсозлик муаммоларига ва ландшафт меъморчилигининг савиясини ошириш, шаҳарни туристлар шаҳрига айлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтадилар [1,2]. Бу эса мазкур диссертациянинг мақсад ва вазифаларини асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертациянинг мақсади.** Самарқанд шаҳрининг қадимги ва ўрта асрлардаги, Собиқ Иттифоқ даври ва Мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси меросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Самарқанд шаҳри замонавий ландшафт архитектурасининг истиқболдаги илғор йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат бўлди:

-Қадимги ва ўрта асрлардаги Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасини ўрганиш;

-Самарқанд шаҳрининг Собиқ Иттифоқ давридаги ландшафт архитектурасини ёритиб бериш, бу соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликларни очиб бериш;

-Собиқ Иттифоқ даври ландшафт архитектураси объектларининг типологик хусусиятларини ўрганиш;

-Самарқанд шаҳрида Мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси бобида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

-Самарқанд шаҳри замонавий ландшафт архитектурасининг истиқболдаги илғор йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти.** Самарқанд шаҳрининг ландшафт архитектураси объектлари ва очик муҳитлар архитектураси, боғ – парклар, пиёда кўчалар, скверлар, хиёбонлар, бульварлар, майдонлар, магистрал кўчалар.

**Тадқиқот предмети.** Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси ва уни шакллантирувчи омиллар.

**Тадқиқотнинг янгилиги.** Мазкур ишда Самарқанд шаҳрининг ландшафт архитектураси илк бор магистрлик диссертация шакли ва ҳажмида илмий тадқиқот остига олинган ва, энг муҳими, унда Самарқанд шаҳри замонавий ландшафт архитектурасининг истиқболли йўналишлари илк бор аниқланган ва уларни ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот услуби.** Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасини амалда ўрганиш, унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, республикамиз пойтахти Тошкент ва жаҳоннинг тарихий шаҳарлари ландшафт архитектурасининг илғор анъана ва йўналишларини комплекс ўрганиш ва умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг аҳамияти.** Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси объектлари ва шаҳардаги очик муҳитлар архитектурасини юқори даражага кўтариш ва уларнинг меъморий – бадиий ва ландшафт композициявий ечимларини такомиллаштириш орқали шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари, сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Мазкур диссертация ютуқлари, шунингдек, бўлажак архитекторлар ва ландшафт архитекторларини тайёрлаш таълим тизимида ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, тадқиқот натижаларини “Ландшафт архитектураси” таълим йўналишида ва мутахассислиги бўйича ўқиётган талабаларга ”Боғ-парк санъати”, “Ландшафт архитектураси тарихи ва назарияси” каби

фанларни ўқитишда ҳамда бу соҳадаги дарслик, ўқув қўлланмалар ва илмий тадқиқотлар, монографиялар тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқотнинг синов(апробация)дан ўтиш ва амалиётга жорий этилиш ҳолатлари.** Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институтида 2010-2011 йилларда бўлиб ўтган ёш олимлар, иқтидорли талабалар, магистрлар, аспирант ва тадқиқотчилар илмий конференциялари ва архитектура факультетининг илмий-услубий семинарларида илмий доклад (маъруза) тарзида ҳамда СамДАҚИнинг “Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий техник журналида чоп этилган илмий мақолалар тарзида эълон қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Диссертациянинг таркиби** кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан тузилган. Ишнинг ҳажми \_\_\_ бетдан иборат. Низомга кўра диссертация иши А4 (21x29) формат қоғозда компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилди.

# I-БОБ

## ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДА САМАРҚАНД ШАҲРИ ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ

### 1.1. Қадимги Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг шаклланиши

Самарқанд шаҳрининг қадимги давр ландшафт архитектураси хақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Марказий Осиёнинг, жумладан Самарқанд шаҳрининг қадимги боғ-парклари антик даври муаллифлари, Диадор ва Квинт Курсий Руф маълумотларида мавжуд. Уларнинг ёзишича, бундай боғлар учун одатда кенг яшил майдонлар, сувлоқ тоғ олди яйловлари ва қалин ўрмонзорлар танланиб, улар ҳукумдорларнинг ов қилишлари ва дам олиб хордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган [32]. Уларда ов пайтида фойдаланадиган махсус буржлар ва иморатлар қурилган, турли хил ёввойи ҳайвонлар сақланиб ўрчитилган. Бундай боғлар ўша давр ҳукумдорларининг бойлиги, яшаш ва дам олиш услубларидан дарак беради. Бундай боғлар махсус режа асосида қурилганми ёки йўқми, бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Бироқ, улар ўзларининг шаклланиш омиллари, эгаллаган жойлари ва табиий манзараларига кўра мунтазам режали боғлардан кескин фарқ қилган. Шу сабабли уларни эркин режали манзарали боғлар турига киритиш мумкин.

“Македониялик Искандар тарихи”нинг муаллифи римлик Квинт Курцийнинг ёзишича, Искандар Марказий Осиёга бостириб келганда “Базайра” номли жойда барпо этилган манзарали боғда аскарлари билан ов қилиб дам олади ва бу овда тўрт минг ҳайвонни отиб ўлдиради [32]. Тарихчи олимларнинг фикрича, ушбу боғ Мароқанд шаҳрига, яъни қадимги Самарқандга яқин жойда бўлган. Боғ жойлашган жойни қадимги юнон тарихчиси Диадор “Базайра” эмас, “Басиста” деб номланган. У. Мончадская эса “Басиста”ни “Боғистон” сўзининг юнонлаштириб ёзилган кўриниши эмасмикан, деган фикрни билдиради [32]. В.Томшек эса Басистанинг жойини

Ургут тумани ҳудудида тўғри келади, деб тахмин қилади. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, ушбу боғ ўта кенг тоғлик яйловларга, қалин дарахтзорларга, турли хил ёввойи, қўлга ўргатилган ҳайвонларга бой бўлган [32].

Шунингдек, антик давр манбаларида Афғонистондаги Тошқўрғондан мозори-Шарифгача бўлган кенг яйловларда Амударёнинг ўнг соҳилига яқин тўқайзорларда қадимги замонлардаги подшоҳларнинг ҳайвонлар ўстирадиган ва сақланадиган улкан боғлари ҳақида ҳам маълумот мавжуд [16]. Уларда сон-саноксиз кийиклар ва ёввойи чўчқалар тўдаси, улар орқасидан тушган бўрилар галаси ва ҳатто гўёки шерлар ҳам ўстирилган. Ана шундай шерларнинг қўшни Тожикистонда ҳам бўлганлиги ҳақида эрамизнинг бошида ёзилган Хитой йилномаларида эслатиб ўтилади [32]. Масалан, эрамизнинг 87 йилида Кушон элчилари Туркистондан Хитой подшоҳларига совға сифатида шерлар элтган. Тахминан шу жойларда 1258 йили Чингизхоннинг ўғли Хулағухон ҳам шерларни ов қилган, шерлар ҳақида машҳур хитой сайёҳи Марко Поло ҳам, ҳамда XV аср муаллифлари ҳам эслатиб ўтади [32].

Тожикистондаги Муғ қасридан топилган XIII аср ҳужжатларининг бирида Пинжикент ҳокими Деваштичининг баланд деворлар билан ўралган истироҳат боғи ”парадиз”и бўлганлиги ҳақида хабар берилади. “Парадиз” сўзи қадимги эронча “жой” маъносини беради. “Парадиз” ов қилинадиган ҳайвонлар сақланадиган боғ ёки парк маъносини ҳам англатган. Тарихчи О.И. Смирнова Деваштичнинг ушбу боғини шаҳардан ташқарида, Панжикент тоғликларида жойлашган, деб тахмин қилади. Ўша ҳужжатларда ушбу боғга махсус бошлиқ тайинланганлиги ҳам кўрсатилган. Бу нарса боғни ҳақиқатдан ҳам кўриқланганлигини ва унинг ҳамда ҳукумдор Деваштинч ҳаётида алоҳида аҳамият касб этганлигини билдиради [32].



*1-расм. Чорбог услуби акс эттирилган шарқони миллий гилам. Эрон, XVII аср.*

Ҳайвонотга бой яйловли кўкаламзорлар, боғ-қўриқхоналар бунёд этиш анъанаси Марказий Осиёда ўрта асрларда ҳам давом эттирилган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобидан ёзилишича, Қорахоний Шамс ал-Мулк (1068-1080) Бухорога ҳоконлик қилган даврида шаҳарнинг Иброҳим дарвозасига яқин бўлган қарийиб ярим фарсанг жойида гўзал боғ бунёд этиб, ул жойга “Шамсобод” деб ном беради [16]. Шамсободга туташ жойда кенг

ўтлоқ (ўлан) ташкил қилиб, уни “қўриқ” деб атайдди. Қўриқ атрофини девор билан ўраб, ичига подшоликка хос қаср ва каптархона қуради. Қўриқда қўлга ўргатилган турли ҳайвонлар: буғу, кийик, тулки ва айиқлар сақлайди. Ҳайвонларни парвариш қилиб турадиган махсус кишилар тайинлайди. Хуллас, Шамс ал-Мулк ушбу боғни дам олиб хордиқ чиқаришга мўлжалланган махсус қўриқхонага айлантиради [16].

Ибн Батута Ўрта Осиёга қилган саёҳати ҳақида ёзар экан, Мовароуннахр султони Тармашириннинг (1326-1334) ҳам овга мўлжалланган боғ қўриқхонаси бўлганлигини эслатиб ўтади [32]. Бироқ у қўриқхонанинг айнан қаерда жойлашганини ёзмаган. Ибн Батута Тармаширинни сўнги бор унинг ана шу қўриқхонаси йўлида кўриб хайрлашган ва сўнг Самарқандга қараб йўл олган. Демак, қўриқхона Бухоро атрофида, Самарқанд йўлига яқин жойда бўлган кўринади.

Ўрта Осиёнинг исломгача бўлган даврлардаги боғчилик хўжалигига юқорида тавсифи келтирилган боғ-қўриқхоналардан ташқари шаҳристонлар ва уларнинг атрофларида бунёд этилган “чорбоғ”лар ҳамда шаҳар майдонлари, кўчалар, ҳовузлар ва ариқлар бўйларига экилган манзарали ва мевали дарахтлар ҳам қиради. Жумладан, Самарқанд илк ўрта асрлардаёқ ям-яшил боғларга бурканган, обод ва хушманзара шаҳарлардан бири бўлган. Х асрда юртимизга келган тарихчи Ибн Хаукал Самарқанд ҳақида шундай ёзади: “Суғднинг пойтахти Самарқанддир; у Суғд дарёсининг жаеубдаги тепаликда жойлашган. Шаҳар арк, шаҳристон ва унинг атрофлардаги работлардан иборат... арк тепасига чиққанимда киши фақат тушида кўрувчи ниҳоятда ҳаяжонлантирарли манзарадан завқландим: кўм-кўк дарахтлар, ярқираган кошоналар, шарқираб оқаётган анҳор ва жилғалар, чаман гулгун табиат. Ҳар бир жой, ҳар бир дарахт, ҳар бир гуллаётган боққа қараб қалбинг қувонади. Шаҳар майдончалари гўзаллигининг чеки йўқ. Сарв дарахтларига ўта қаройиб оройишлар берилган. Булар бир бирига зимдан ташланмоқчи бўлиб турган ёки бир биридан ҳадиксираётган, ё эҳтимол танишмоқчи бўлаётган яшил сунъий фллар, туялар, сигирлар, ёвврийи ҳайвонлар шаклини

эслатарди. Киши қалбини очадиган бундай яшил оройишлар ҳар кадам. Буларга шарқираган ариқлар, балиқларга тўла ҳовузлар, дам олишга қулай кўшк ва шийпонлар қўшилган”.

Ибн Хаукал яна бир бошқа жойда шаҳарнинг марказий қисмидаги кўпчилик уйларнинг мевали боғлари, барча ҳовлиларнинг суғориш ариқлари борлигини эслайди. “Шаҳар боғларга бурканган, агар унга юқорисидан карасангиз ҳатто уйлар кўринмай кетган”, дейди [6].

Ибн Хаукалнинг ушбу ёзганлари Самарқандда боғлар бунёд этиш анъанаси жуда қадимдан, яъни бу ерга Ибн Хаукал келгунга қадар ҳам мавжуд бўлганлигига, X асрнинг охирларида эса шаҳар ичидаги яшил майдонларда манзаравий дарахт ва буталар кузатиб, уларга сунъий шакллар ёрдамида зеб берилганлигига, яъни дарахтларга кузаб оройиш бериш санъатининг ҳам Самарқанд учун анъанавийлигига ва ўзига хослигидан далолат беради.

## **1.2. Ўрта асрларда Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг ривожланиши**

Марказий Осиёда анъанавий ландшафт меъморчилигининг шаклланиши ва ривожланишида Самарқанд шаҳри алоҳида ўрин тутиб келган деб ҳисоблаш мумкин. Ўзининг серунум тупроғи, шифобахш сувлари, юмшоқ иқлими, бой табиати туфайли бундан камида 30-35 минг йил бурун одамлар қарор топган бу макон ўша пайтдан бери узлуксиз аҳоли маскани бўлиб келмоқда. Зеро шунча тарихий давр мобайнида ландшафт тараққиёти юз бериб келмоқда. Дастлаб табиий булоқлар муҳити ўзлаштирилиб, сунъий қароргоҳлар яратилган бўлса, кейинроқ Оби Раҳмат, Оби Машҳад, Сияҳоб-Қорасув каби табиий, ярим сунъий сув тармоқларидан фойдаланилган ва Дарғом, Булунғур, Эски Ангар, Пайариқ, Мазоқим, Шаар ариқ сингари ўнлаб суғориш иншоотлари воситасида табиий воҳада сунъий ландшафт бунёд этилган. Ўлкамизга X асрда ташриф буюрган Абулқосим

ибн Ҳавкал Самарқанд иморатларининг гўёки яхлит боғлар орасида жойлашганлигини, шаҳарни равон кўча ва каналлар кесиб ўтганлигини, уларнинг ёқасида дам оладиган жойлар, майдонлар ва бу майдонларда турли-турфа ёғочдан, лойдан ишланган ҳайвонлар шаклларини кўрганлигини хайратланиб ёзади. Айни шу муаллиф бу ерда ўша пайтларда фавворалар яратиш ва ўсимликларни қирқиб турлича шакл бериш- “топарису” санъати мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот беради.

Шунингдек, XIV асрда Самарқандга келган Ибн Баттута Шоҳи Зинда яқинида Оби Машҳад ва Оби Раҳмат ариқлари ёнида сўлим гўшада ҳар ҳафтанинг маълум кунларида катта халқ сайли ўтказадиган ландшафт иншооти мавжудлиги ҳақида маълумот беради [32].

Ўрта Осиё шаҳарларининг марказий ички қисмларида ўрта асрларда катта боғлар бўлмаган. Боғ ва чорбоғлар, шахсий боғ-боғчалар, дала ҳовли кўрғонлар аксари шаҳар ташқарисида жойлашган. Хиёбонлар эса ҳам шаҳар ичида, ҳам ташқарисида бўлган. Шаҳар ташқарисидаги боғларда ҳайвонот бурчаклари ҳам бўлган. Масалан, Шамсулмулк Наср ибн Тамғочхон даври (XI а.) да Бухорода Дарвозаи Иброҳимдан ярим фасаҳ ташқарида Шамсобод Мавзеини тузиб гўзал боғ барпо этади. Наршахийнинг барган маълумотларига қараганда бу боғда (қўриқхонада) “буғу, кийик, тулки ва айиқ каби ёввойи жониворлар сақланар ва уларнинг ҳаммаси ўргатилган эди.” Шаҳар ичидаги аксар дам оладиган жойлар сарҳовузлар, чашмалар ва ариқ ёқаларида жойлашган бўлган. Мисол тариқасида Бухоро ичидан ўтадиган Шоҳруд канали ёқасидаги қалин дархтлар соясида Моҳ бозори жойлашганлиги, Лаби Ҳовуз ва бошқа мисолларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Темурийлар даври ландшафт меъморчилигининг қайтарилмас анъаналаридан бири – текис тўғри ерларда қилинган чорбоғлар қаторида Чўпон Ота, Тахти Қорача ва бошқа ерларда нотекис, қир, тоғли ҳудудларда ҳам боғлар яратилган. Ландшафт меъморчилиги соҳасида Шаҳобиддин Аҳмад Зардакаший, Мирак Сайид Ғиёс сингари машҳур мутахассислар шуғулланишган.

Шундай қилиб Самарқанд шаҳрининг қадимги ва исломгача давридаги боғ-пакрларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ов қилишга ва қўлга ўргатилган ўрнатилган турли хил ҳайвонлар сақлашга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлар (чорбоғлар) ва шаҳар ичидаги, унинг майдонларида бунёд этилган мўъжаз боғчалар. Ҳар уччала йўналишдаги бу боғ-пакрлар Ўрта Осиёда исломдан сўнгги даврларда ҳам сақланиб қолди ва ривожлантирилди. Темурийлар даври боғлари ва бизгача сақланиб қолган Бухородаги XIX аср охири ва XX аср бошларида барпо этилган Ситораи Мохи-Хосса чорбоғи ва ундаги баланд чинорлар тагида эркин сайр қилиб юрган тустовуқлар ва оҳулар фикримизнинг далилига бир нишонадир.

### **1.3. Самарқандда Чор Россияси даври ландшафт архитектураси**

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси армияси Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари: Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қўқон каби шаҳарларини истило қилади. Босиб олинган ҳар бир шаҳарда улар ўз қўнимини ва тинчлигини тўминлаб бўлгач, ўзлари ва армиясининг эркин жойлашиши, шаҳарлар ва округларни бошқариш, ўлкадаги ўз вазифаларни бажариш мақсадида шаҳарсозлик ва меъморчилик ишлари бошлаб юборади. Шаҳарларнинг эски қисми эса ўзгаришсиз ўз ҳолича қолдирилади.

Чор Россияси армияси эгаллаган тарихий шаҳарларда ўзлари учун шаҳарнинг янги “европача” қисмини шакллантирадilar. Шаҳарларнинг янги европача қисмида армия баталионлари, рус чиновниклари ва уларга хизмат кўрсатувчи русий забон аҳоли жойлаштирилиб, уларнинг эркин ва осойишта европача турмуш тарзи ва маданияти асосида яшашлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратиб берилади. Маиший турмуш ва тиббий бинолардан тортиб то Христиан дини черковларигача қурилади.

Бунинг учун эса энг аввало Чор Россияси ҳукумати истило этилган шаҳарларда янги европача шаҳар қуриш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни ўз армиялари ва маҳаллий халқ кучи ёрдамида амалга оширишга киришадилар. Масалан, Самарқандда бунинг учун энг қулай шаҳарсозлик режаси тарзида тарихий шаҳардаги мавжуд арк-қалъадан бошлаб унга нисбатан радиал-доира шаклида жойлашадиган янги шаҳар қурилиши амалга оширилади. Ўқдай тўғри радиал ва айлана кўчалар қурилиши ва уларни европача кўкаламзорлаштириш, кўчалар четимиға соя берувчи манзаравий дарахтлар (улкан чинорлар, қайрағочлар, пирамидасимон толлар) қаторлаб экилиб тротуарлар вужудга келади [29].

Самарқанд шаҳри коменданти жойлашган кўча бўйлаб европача узун ва кенг хиёбон - “бульвар” лойиҳаси ишланиб амалга оширилади. Бу бульвар (у ўша даврда Абрамовский бульвар деб аталган) Самарқанд шаҳарнинг янги европача қисмини унинг эски тарихий қисмидан ажратиб турган. Унинг дастлабки майдони 7 гектар, узунлиги 804 м., эни 133 м. бўлган [2]. Узун ва энли бульвар бўйлаб дастлаб тўртта ёпиқ хиёбон ташкил этилган. Хиёбонларга чинор ва “Сафидори Самарқандий” деб номланган соя берувчи оқ терак дарахтлари экилган. Кейинчалик Собиқ Шўро ҳукумати даврида бульвар эниға анча қисқариб четки хиёбонлар ўрниға магистрал кўчалар ўтказилади. Натижада у торайиб 2 хиёбонлик бульварға, яъни ҳозирги кўринишиға келиб қолади.

Шаҳар коменданти биносининг олдида унга туташ тарзда катта боғ ҳам ташкил этилган. У дастлаб 6.5 гектар бўлган. Янги шаҳар марказида эса Зарафшон округи бошлиғи биносининг атрофида ҳудуди 5.67 гектарли янги боғ ташкил этилади [22].

Округ бошлиғи биносининг олдида 1868 йилдаги жангда қурбон бўлган русларға атаб ёдгорлик ва боғча бунёд этилади.

Шаҳар коменданти боғи ичида манзарали кўл ҳам мавжуд бўлиб, боғ атрофи девор билан айлантирилган ва унда асосан рус чиновниклари ва уларнинг оилалари фойдланган. Кўл ичидаги оролчада сувда ўсувчи ва соя

берувчи кўркам дарахтлар экилган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Боғнинг дарвозаси қошига “Солдатам, собакам и сартам вход в парк строго воспрещен” деб ёзиб қўйилган. Шўролар даврида бу боғлар бири-бирига қўшилиб юборилиб, социалистик тизимга хос “маданият ва истироҳат боғи” ташкил этилган. Ҳозирги қайта ишланган боғ ўша боғлар ҳудудида барпо этилган.

### **I-боб хулосаси**

1. Самарқанд шаҳрининг қадимги давр ландшафт архитектураси ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. Марказий Осиёнинг, жумладан Самарқанд шаҳрининг қадимги боғ-парклари антик даври муаллифлари, Диадор ва Квинт Курсий Руф маълумотларида мавжуд. Уларнинг ёзишича, бундай боғлар учун одатда кенг яшил майдонлар, сувлоқ тоғ олди яйловлари ва қалин ўрмонзорлар танланиб, улар ҳукумдорларнинг ов қилишлари ва дам олиб хордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган [32]. Уларда ов пайтида фойдаланадиган махсус буржлар ва иморатлар қурилган, турли хил ёввойи ҳайвонлар сақланиб ўрчитилган. Бундай боғлар ўша давр ҳукумдорларининг бойлиги, яшаш ва дам олиш услубларидан дарак беради. Бундай боғлар махсус режа асосида қурилганми ёки йўқми, бу ҳақда бирор нарса дейиш қийин. Бироқ, улар ўзларининг шаклланиш омиллари, эгаллаган жойлари ва табиий манзараларига кўра мунтазам режали боғлардан кескин фарқ қилган. Шу сабабли уларни эркин режали манзарали боғлар турига киритиш мумкин.

2. Ўрта Осиёнинг исломгача бўлган даврлардаги боғчилик хўжалигига юқорида тавсифи келтирилган боғ-қўриқхоналардан ташқари шаҳристонлар ва уларнинг атрофларида бунёд этилган “чорбоғ”лар ҳамда шаҳар майдонлари, кўчалар, ҳовузлар ва ариқлар бўйларига экилган манзарали ва мевали дарахтлар ҳам киради. Жумладан, Самарқанд илк ўрта асрлардаёқ ям-яшил боғларга бурканган, обод ва хушманзара шаҳарлардан бири бўлган.

3. Марказий Осиёда анъанавий ландшафт меъморчилигининг шаклланиши ва ривожланишида Самарқанд шаҳри алоҳида ўрин тутиб

келган деб ҳисоблаш мумкин. Ўзининг серунум тупроғи, шифобахш сувлари, юмшоқ иқлими, бой табиати туфайли бундан камида 30-35 минг йил бурун одамлар қарор топган бу макон ўша пайтдан бери узлуксиз аҳоли маскани бўлиб келмоқда. Зеро шунча тарихий давр мобайнида ландшафт тараққиёти юз бериб келмоқда. Дастлаб табиий булоқлар мухити ўзлаштирилиб, сунъий қароргоҳлар яратилган бўлса, кейинроқ Оби Раҳмат, Оби Машҳад, Сияҳоб-Қорасув каби табиий, ярим сунъий сув тармоқларидан фойдаланилган ва Дарғом, Булунғур, Эски Ангар, Пайариқ, Мазоқим, Шаар ариқ сингари ўнлаб суғориш иншоотлари воситасида табиий воҳада сунъий ландшафт бунёд этилган.

Ўрта Осиё шаҳарларининг марказий ички қисмларида ўрта асрларда катта боғлар бўлмаган. Боғ ва чорбоғлар, шахсий боғ-боғчалар, дала ҳовли кўрғонлар аксари шаҳар ташқарисида жойлашган. Хиёбонлар эса ҳам шаҳар ичида, ҳам ташқарисида бўлган. Шаҳар ташқарисидаги боғларда ҳайвонот бурчаклари ҳам бўлган.

4. Самрқанд шаҳрининг қадимги ва исломгача давридаги боғ-пакрларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ов қилишга ва қўлга ўргатилган ўрнатилган турли хил ҳайвонлар сақлашга мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги боғ-саройлар (чорбоғлар) ва шаҳар ичидаги, унинг майдонларида бунёд этилган мўъжаз боғчалар. Ҳар уччала йўналишдаги бу боғ-пакрлар Ўрта Осиёда исломдан сўнгги даврларда ҳам сақланиб қолди ва ривожлантирилди.

## II-БОБ

### САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДАГИ ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ

#### 2.1. Собиқ Иттифоқ даврида ландшафт архитектурасидаги ўзгаришлар

Собиқ Иттифоқ даврида 1981 йилда Самарқанд шаҳри марказининг батафсил режавий лойихаси ишланиб, унда шаҳар марказини, айниқса унинг марказий хиёбонини жануб томонга то Лолазор мавзесигача кенгайтириш кўзда тутилди. Лойихада ландшафт объектларининг узлуксиз яхлит тизимини яратиш ва уларнинг мавқейини меъморий объектларга тенглаштириш ғояси илгари сурилди [5].

Шаҳарда ландшафт архитектурасининг тарихий шаҳарларга хос жузъий объектлари мавжуд. Улардан бири дастлаб Абрамов, сўнгра М.Горький, ҳозир эса “Университет хиёбони” деб номланувчи булвардир. У 1870 йилларда бунёд этилган. Хиёбоннинг айрим жойларига тошдан ишланган баралеп-ҳайкаллар ўрнатилган. Буларнинг бир томонида Алишер Навоийнинг тик турган ҳайкали ва унинг атрофидаги гулзор, иккинчи томонида эса Амир темур сиймоси гавдаланган меъморий мажмуа жойлашган. Ушбу мажмуадан шимол томонга Ҳамид Олимжон номидаги театр биноси олдида катта сквер ташкил этилиб,, ундаги хиёбон ва гулзорлар аро ўзига хос поғонали отма фавворалар ансамбли ишланган. Худи шундай замонавий отма фавворалар ва чаман-гулзорлар ушбу сквер ва булварга яқин жойлашган Афросиёб меҳмонхонаси, Амир Темур ва Рухобод мақбара мажмуалари қошида ва уларга борадиган йўллар узра ҳам ташкил этилган.

Самарқанд Регистон меъморий ансамблининг майдонини қайта тиклаш лойихасига кўра (1986 йил.) ансамбль атрофида тарихий шаклланган анъанавий тураржойлар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига боғ-парк ҳудуди ва очик гулзорлар вужудга келтирилди. Бироқ бу ҳаракат Регистон

ансамблига ижобий таъсир кўрсатмади. Улуғвор ансамбл янги яратилган кенг муҳитда ўзининг асл масштабини йўқотиб, очик музейга қўйилган сунъий экспонатга ўхшаб қолди, негаки у атрофдаги ўзига “кундош” бўлган тарихий муҳит кўлами ва унга мос тушган хандасавий уйғунликдан жудо бўлди.

Самарқанднинг янги шаҳар марказида вужудга келган кенг маъмурий майдон ўз масштабига кўра беҳат йирик ҳисобланиб, унинг ландшафт ечими такомилга етказилмаган. Аксарият қисмига асфальт бетон, қолганига йирик бетон плиталар ва тош тўшалган катта кенг очик майдон ёзнинг жазирама иссиқ кунлари янада исиб, қишда эса совуб кетади. Майдон иқлимини мувофиқлаштириш ва майдоннинг меъморий-ландшафт ечимини яхшилаш мақсадида бу ерда ”Фавворалар боғи” бунёд этилмоқда. Бундан ташқари вазифасидан қатъий назар майдонда ёпиқ яшил муҳит ҳажмини ошириш, уни анъанавий чорбоғ ва хиёбон услубида шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Собиқ Иттифоқ даврида Самарқанд шаҳрида “Комбинат зелёного хозяйства” деган ишлаб чиқариш хўжалик ташкилоти мавжуд эди. У шаҳарда жойлашган чой фабрикасидан кейин темир йўл вокзалига боровчи, ҳозирги Беруний кўчасининг ўнг томонига бурилиб, тахминан 2 гектарга яқин худудни эгаллаган эди. Унинг гулчилик билан шуғулланадаган бир қанча ер усти ва ертўла шаклидаги махсус йирик теплицалари ва магазини бор эди. Уларда юзлаб, хатто минглаб турли - туман гуллар етиштирилар ва сотилар эди. Гулларнинг кўпчилиги торфдан ишланган “стакан”чаларда ўстирилар эди.

Ҳозирги вақтда бу ажойиб хўжалик жойи “Самарқанд холдинг” ташкилотига сотиб юборилган. Бундай ишлар Самарқанд шаҳар ландшафт архитектурасини ривожлантириш ишларига тўсқинлик қилади.

Бошқача сўз билан айтганда, Самарқанд илгари мавжуд бўлган “Комбинат зелёного хозяйства” ишлаб чиқариш ташкилотини қайта тиклаб, унинг ишларини ҳар томонлама ривожлантириш зарур.

## 2.2. Собик Иттифоқ даври боғ-парклари ва уларга хос хусусиятлар

Барча меҳнаткашларга тўлақонли дам олиш шароитларини ташкил этиш Собик Иттифоқ давлатлари ҳаёт шароитларини ташкил этишнинг асосий вазифаларидан бири эди. Собик Иттифоқнинг ўтган даврида машҳур парклари алоҳида профилдаги парклар эдилар, у ерда аҳолининг оммавий дам олиши катта маданий-оқартув ишлари билан қўшиб олиб борилган. Ўтган даврда туғилган паркни ижтимоий ташкил этишнинг принципиал янги ғояси 1928 йилда биринчи кўп функцияли паркни ташкил этишда кўринди. Москвадаги Горький номли Марказий маданият ва истироҳат паркида унинг оммавий характери мазмунида ва оммавий сиёсий ва маданий-оқартув тадбирлар, театрлашган байрамлар, физкультура машғулотлари ҳамда худудни қимларга бўлиш тамойиллари ва парк меъморий-тарихий таркибининг йирик масштабида акс этди [6].

Кўп функцияли шаҳар паркининг асосий вазифаси - келувчиларнинг дам олишини таъминлаш ва улар билан тарбиявий иш ўтказиш. Бундан келиб чиқиб парк функциявий ишининг мазмуни ва шакли қуйидагича шакллантирилган:

- 1) Сиёсий-тарбиявий иши;
- 2) Физкультура-оммавий иши;
- 3) Маданий-оқартув иши;
- 4) Бадиий иш;
- 5) Соғломлаштириш иши;
- 6) Паркда кўнгил ёзиш;
- 7) Болалар билан ишлаш;
- 8) Келувчиларга маиший хизмат кўрсатиш.

Шаҳарсозлик сиёсатида паркларнинг оммавийлиги уларнинг қурилишига импульс беради. Парклар ва боғлар ҳар бир шаҳар, янги

қурилиш, посёлокнинг ажралмас қисмига айланди. 1939 йилда Собик Иттифоқ шаҳарларида 200 мингдан ортиқ парклар бор эди [8].

Биринчи паркларни яратганларнинг ўзлари маълум бир камчиликларни кўрсатиб ўтдилар – оммавий тадбирлар билан қизиқиб кетиб, яқка дам олишга бўлган индивидуал шахслар эҳтиёжини писанд қилмаслик, парк қисмларини таркиби ва жойлашувида стандарт, бутун ҳудудни парк майдонлари ва иншоотлари билан тўлдириб, “тирик” табиат майдонларини камайтиришга олиб келган.

Томоша тадбирлари ва аттракционларнинг устунлиги кўп паркларда бизнинг кунларгача сақланиб қолган. Шу туфайли парклар табиий муҳитини кўриқлаш муаммоси туғилди.

Кейинчалик паркларни лойиҳалаш ва қуриш анча реал характерга эга бўлди. Паркларни функционал ташкил этиш ва уларнинг органик асослари – ландшафтининг табиий элементларини аниқлашда баъзи бир ўзгаришлар юз берди. Паркларнинг ривожланиши биринчи босқичда, унинг ташкилий тикланишида кўп функцияли паркнинг фундаментал назарий ва амалий асослари қўйилган эди. Улар паркларни лойиҳалаш ва қуриш замонавий амалиётида ҳамда ландшафт архитектураси бўйича ёзилган асарларда янада ривожланди.

Аммо биринчи паркларни яратилгандан 10 йил ўтгандан сўнг, жамиятнинг ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, маданий даражанинг ўсиши, шаҳарларнинг ўсиши, паркда дам олишга муносабатни ўзгартирди. Бирламчи орқа планга сўриб қўйилган инсоннинг табиат билан мулоқоти муаммолари яна парк қурилишида, “дам олиш” тушунчасини қайта кўриб чиқилган муносабати билан, асосийларидан бирига айланди. Паркда дам олиш функциясининг эволюцияси прогнозланади: бир хил функциялар ривожланиш олиши, бошқалари – шаҳарга кўчиб ўтиши, учинчилари – ўлиши керак эди [13].

Мамлакатни янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида жамоат ишлаб чиқаришининг интенсификацияси билан боғлиқлиги туфайли, дам

олувчиларнинг парклардаги рекреацион муҳит сифатига бўлган талабларини тўлароқ кондиритиш имконияти пайдо бўлди. Агар биринчи совет парклари фаолияти доирасига асосан маданий-оммавий тадбирлар кирган бўлса, кейинчалик паркларнинг функционал мазмунида анчагина ўзгаришлар бўлди.

Шаҳарларнинг интенсив ўсиши дам олишга бағишланган янада кенгрок ҳудудларни яратиш талабларни қўйди. Бунда бу ҳудудларнинг тарихий таркиби соддалаштириш тенденциясига эга бўлди. Оммавий иншоотлар ўзига хос комплекслар – форумларга тўпланди, қолган ҳудудда эркин дам олишга имкониятлар яратилди [11].

Паркнинг тарихий таркиби қуйидаги бешта иншоотларни жойлаштириш тузилмаларидан бири бўйича қурилган: периметрал; тугун яқинлаштирилган; тугун узоқлаштирилган; ўқли; тарқоқ.

Умумшаҳар парклари билан бир қаторда ихтиссослашган парклар ҳам ташкил этилган: зоопарклар, гидропарклар, дедропарклар, виставка парклари, мемориал парклар, хотира парклари, ботаника боғлари ва бошқалар.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, шаҳарларда тасдиқланган бош режаларга асосан кўкаламзор ва сув ҳавзалари тизимлари шаклланади, уларнинг асосини йирик кўкаламзор массивлар ташкил этар эди.

Шаҳарлар ва уларнинг шаҳаролди қисмларидаги барча дам олиш жойларига ягона рекреацион ва ўзаро боғлиқ аҳолининг дам олиш тизимининг звенолари деб қаралган. Улар шаҳар маконий таркибининг барча босқичларида аҳолининг барча ёш гуруҳларига дам олишнинг энг қулай шароитларини таъминлаш керак. Дам олиш учун мўлжалланган кўкаламзор ҳудудлар шаҳар тарихий таркибининг органик қисмига айландилар, шунинг учун дам олиш жойларини қуриш бир вақтнинг ўзида шаҳар ҳудудини функционал қисмларга бўлиш, шаҳарни меъморий-тарихий ташкил этиш ва унинг ҳудудий ривожланиши билан амалга оширилиши лозим эди.

Самарқанд шаҳрида республикамизнинг бошқа кўпгина шаҳарларидаги каби “гул сайллар” шоуси, конкурси ўтказилиб турилади. Унга шаҳримизда хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган ўндан зиёд турли “гулчи” оилалар ўзлари етиштирган гул коллекциялари билан қатнашадилар. Ана шу устамон гулчиларни йиғиб, уларнинг ассоциациясини, яъни акционерлик жамиятини ёхуд “шаҳар гулчилик маркази” –хўжалик фирмасини ташкил этишни, бу фирмада нафақат ташқи очик майдонларга экиладиган ўсимликлар гуруҳини ташкил этишни, балки контейнерларга экилиб ўстирилган тайёр гулларни сотишни ҳам ташкил қилиш зарур. Демак, бу фирма ўзларига чиройли гул контейнерларини тайёрлашни ҳам йўлга қўйишлари зарур.

### **2.3. Ландшафт архитектурасига хос бошқа объектлар**

**Скверлар** - шаҳар ҳудудининг кичик кўкаламзор ҳудудлари йўловчилар учун қисқа дам олишга, шаҳар майдонларини, кўчалар, қирғоқ бўйларини, жамоат бинолари олдидаги ҳудудларни, монументаллар атрофидаги маконларни декоратив безашга мўлжалланганлар. Скверлар майдони 0.2 дан 2 гектрагача бўлиши мумкин. Майдонлар ва транспорт тугунларида ташкил этиладиган декоратив скверлар алоҳида ўрин тутадилар. Уларда ёдгорликлар, ҳайкаллар, фонтанлар ёки гулзорлар ташкил этилади.

**Скверларни режалаштриш турлари** – классик, регуляр боғ-парк санъати стили усулларни қўллаш билан; эркин, жозибали классик пейзаж парклари усулларига асосланган режа билан бўлиши мумкин.

**Бульварлар** - Бульварлар кўкаламзорларнинг чизиқли элементлари, оммавий пиёда ҳаракатига. Сайр қилиш ва қисқа дам олишга мўлжалланганлар. Шаҳардаги ўрни, уларни вазифаси ва тархий характеристикаларига кўра – тўғри чизиқли ва ҳалқасимон бульварлар, сайргоҳ ва транзит, қирғоқбўйи бульварлари ҳамда тарихий бульварлар бўлиши мумкин [21].

Ижтимоий онгинг ўсиши ва шаҳарларнинг ривожланиши билан бульварларнинг мазмуни ўзгарди. Фақат транзит аллея билан чегараланган. Балки ривожланган тарихий тизимга, фонтанларга, ховузларга, ўйин учун майдонларга, савдо киоскларига, информацион витриналарга, декоратив экинлар, монументларга эга бульварлар пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда йирик шаҳарларда бульварларнинг мураккаб тизими пайдо бўлди. Бундай бульварларни Москва, Киев, Ереван, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар марказларида кўриш мумкин.

Бульварларнинг минимал эни 18 метр қилиб белгиланган. Бундай ўлчамларда у бўйлаб битта аллея эни 4...7 м қилиб ўтказилади. Эни 25 м дан ортиқ бульварларда эни 1.5 ..... 2.5 м ли қўшимча йўлакчалар қўшилади. Кенг қисмида қисқа дам олиш учун майдончалар ташкил этилади, улар мебель ёриткичлар, айвончалара билан таъминланади. Эни бир неча 10 м бўлган жуда кенг бульварларда павильонлар, болалар ўйин комплекслари, кафе, сув қурилмалари ва ҳоказолао ўрнатилади (Тошкентдаги Марказий бульвар).

**Пиёда кўчалар** - Шаҳар марказлари учун пиёда маконларнинг куйидаги турлари энг характерлидир: транспортдан ажратилган кўчалар; транспорт ҳаракати чекланган кўчалар; бир даражали пиёда майдонлари; 2 даражали кўчалар (пиёда ва транспорт ҳаракати вертикал бўйича ажратилган); савдо ва жамоат комплексларидаги ёпиқ галерия ва пассажлар; ер ости пиёда коммуникациялари [20].

Комфорт ва қулай биологик муҳитни яратувчи шаҳар пиёда маконаларини шаклантиришнинг муҳим воситаси архитектура-ландшафт дизайнидир. Бу термин айтилганда кўча маконининг бутун предмет дунёси, яшил ўсимликлар, ёриткичлар шакллари, ҳайкаллар, мебель реклама қурилмалари, тўсиқлар, киосклар, айвончалара ва ҳоказолар тушунилади. Шаҳар пиёда маконларини ташкил этишнинг характерли композицион усули бўлиб турли хил плиталарга бўлиш, ҳар хил ранг, фактура, ўлчамлар ва

расмлардан фойдаланиш хизмат қилади. Декоратив хайкаллар ва фонтанлар борган сари кўпроқ ишлатилмоқда.

**Қирғоқ бўйлари** – бу сув ҳавзалари бўйидаги иморатларни ва аквааторияни боғлайдиган ҳажмий-тарихи комплексларидир. Улар дарё, дарёлар, каналлар, кўл ва денгиз бўйида жойлашганшаҳарларда анчагина худудни эгаллайдилар. Қирғоқ бўйи комплекси жамота бинолари, турар жой бинолари, табиий ёки сунъий яратиладиган ландшафт, ҳамда ер ости ва ер усти инженерлик коммуникациялари, иншоотлари ва ускуналарини ўз ичига олади.

Қирғоқ бўйининг меъморий-ландшафт компонентларига қуйидагилар киради:

- қирғоқбўйи акватория элементлари билан сув бўйидаги гидротехник иншоотлар (пирслар, тўлқин қайтаргичлар, ороллар);

- тартибга солиш чизиғидан қурилмаларнинг қизил чизиғигача ёки қирғоқ қиялигигача бўлган қирғоқ бўйи террасалари;

-қирғоқ бўйи террасаларидаги, сувдаги иншоотлар;

-қирғоқ қиялиги, агар у бўлса, ёки шаҳар қурилмаларнинг ёндашган фронти;

-инженерлик ободончилиги ва ускуналари.

Ҳар бир компонентнинг қирғоқ бўйи ансамблини шаклантиришдаги роли турлича. Уларни ўзига хос биргаликда келиши қирғоқ бўйлари ҳажмий-тархий ечимларининг хилма-хиллигини таъминлайди. Қирғоқ бўйларини яратиш мураккаб жараён бўлиб, кўп мутахассисларнинг қатнашувини талаб қилади.

## **II-боб хулосаси**

1. Самарқанд шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш департаменти тизими, шаҳарга хизмат кўрсатувчи питомник ва ўрмон хўжаликлари ва улардаги кадрлар структураси қайта кўриб чиқилиши ва аттестациядан ўтказилиши зарур.

2. Самарқанд шаҳрида республикамизнинг бошқа кўпгина шаҳарларидаги каби “гул сайллар” шоуси, конкурси ўтказилиб турилади. Унга шаҳримизда хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган ўндан зиёд турли “гулчи” оилалар ўзлари етиштирган гул коллекциялари билан қатнашадилар. Ана шу устамон гулчиларни йиғиб, уларнинг ассоциациясини, яъни акционерлик жамиятини ёхуд “шаҳар гулчилик маркази” – хўжалик фирмасини ташкил этишни, бу фирмада нафақат ташқи очик майдонларга экиладиган ўсимликлар гуруҳини ташкил этишни, балки контейнерларга экилиб ўстирилган тайёр гулларни сотишни ҳам ташкил қилиш зарур. Демак, бу фирма ўзларига чиройли гул контейнерларини тайёрлашни ҳам йўлга қўйишлари зарур.

3. Собиқ Иттифоқ даврида Самарқанд шаҳрида “Комбинат зелёного хозяйства” деган ишлаб чиқариш хўжалик ташкилоти мавжуд эди. У шаҳарда жойлашган чой фабрикасидан кейин темир йўл вокзалига боровчи, ҳозирги Беруний кўчасининг ўнг томонига бурилиб, тахминан 2 гектарга яқин худудни эгаллаган эди. Унинг гулчилик билан шуғулланадаган бир қанча ер усти ва ертўла шаклидаги махсус йирик теплицалари ва магазини бор эди. Уларда юзлаб, ҳатто минглаб турли - туман гуллар етиштирилар ва сотилар эди. Гулларнинг кўпқилиги торфдан ишланган “стакан”чаларда ўстирилар эди.

Ҳозирги вақтда бу ажойиб хўжалик жойи “Самарқанд холдинг” ташкилотига сотиб юборилган. Бундай ишлар Самарқанд шаҳар ландшафт архитектурасини ривожлантириш ишларига тўсқинлик қилади.

Бошқача сўз билан айтганда, Самарқанд илгари мавжуд бўлган “Комбинат зелёного хозяйства” ишлаб чиқариш ташкилотини қайта тиклаб, унинг ишларини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Чет мамлакатлардан, жумладан Голландиядан қиммат гулларни сотиб олиб келиш ўрнига уларни шу ерда ўстириш ва тайёрлаш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун эса ўша чет мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатиш керак.

**III-БОБ**  
**САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК**  
**ЙИЛЛАРИДАГИ ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИ ВА УНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР**

**3.1. Мустақиллик йилларида яратилган боғ-парклар**

Республикаимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Кааримов 2002 йил Самарқандда бўлган чоғида шаҳарнинг суғдиёна тураржой массивида курилаётган дам олиш боғига ташриф буюриб, уни яратишда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдирган эди. Ўшандан буён мана 10 йилга яқин вақт ўтди. Бу давр ичида самарқандликлар вилоят ҳокимияти раҳбарлигида Президентимиз кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириб, ушбу дам олиш боғининг меъморий-манзаравий, функциявий ва ландшафт ечимларини бекаму-кўст тугатдилар [27].

Таъкидлаш зарурки, яқин ўтмишдаги собиқ иттифоқ даврида бу боғ худуди қарвосиз ва кўримсиз бир ҳолга келган эди. Ундаги ташландиқ сув ҳавзасида ўспиринларнинг ҳатто сувга чўкишидек кўнгилсиз воқеалар рўй берган. Боғ худудида иккита ўрта мактаб, тиббиёт ўқув юрти ва Суғдиёна тураржой масканининг қўшни жойлашишига қарамасдан боғда аҳолининг маданий дам олиши, спорт ва бошқа ўйинлар учун ҳеч қандай шароит йўқ эди. Фақат мустақиллик шарофати туфайлигина ушбу худудга эътибор кучайтирилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан боғ қайта тикланиб, унга янгича файз ва манзара, ҳаётий эҳтиёжларга мос замонавий вазифалар берилди (2,3 - расмлар).



**2-расм.** “Суғдиёна” массивида жойлашган янги маданият ва истироҳат боғининг кўли



**3-расм.** “Суғдиёна” массивида жойлашган янги маданият ва истироҳат боғининг умумий кўриниши

Боғдаги бажарилган ишларни тўрт қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси, боғдаги мавжуд сув хавзасини қайта ишлаб, уни замонавий “аквопарк”ка айлантириш, шунга мос равишда зарур жиҳозлар киритиб, уларни ўз жойларига ўрнатиш ва бадиий безаш. Иккинчиси, “болалар дунёси” боғи ва ёш ўспиринлар учун аттракционлар мажмуасини яратиш, турли ўйинлар учун жиҳозлар ўрнатиб, уларни эстетик бадиий ва манзаравий безаш. Учинчиси, боғдаги мавжуд хиёбон ва чорбоғ худудини қайта ишлаб, ундаги фахрийлар ва нуронийлар учун шарқона миллий боғ яратиш. Бу боғда нуронийлар чойхонаси, чаман ва гулзорлар, фавворалар, хиёбонлар ва кўшк-айвон, мевали боғзор ташкил қилинди ( 4-расм).



**4-расм.** “Суғдиёна” боғининг болалар ўйингоҳи

Тўртинчиси, бу Робинзон Крузо боғидир. Маълумки, инсоният жуда қадим замонлардан бошлб нафақат текис, балки қиялик ва тошлоқ жойларда ҳам мўъжаз боғлар ташкил қилган. Икки, уч ва ундан кўп хил тошлардан турли композициялар тузиб ўзига хос боғ худуди, хужра айвон ва альпинариялар яратган. Суғдиёна боғида ҳам ана шундай мўъжаз тошлоқ боғ яратилиб, унда Робинзон Крузо хужраси ишланган. Булардан ташқари бутун

боғ худуди бўйлаб кўкаламзорлаштириш ва ландшафт меъморчилиги ишлари: худудни ободонлаштириш, йўл ва йўлакларга декоратив тўшовлар ётқизиш, боғ деворларини бадийлаштириш, отма фавворалар ва муҳитни декоратив ёруғлантириш учун ёритгичлар ўрнатиш, боғ рельефини бадий-манзаравий безаш, майсазор ва гулзорларни шакллантириш, зарур муҳандислик жиҳозларини ўрнатиш ва жойлаштириш, боғ дарвозасини тугатиш ва пардоз ишлари амалга оширилган [15].

Ушбу ишларни бажаришда Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг меҳнати ўзига хос бўлди. Улар томонидан боғ лойиҳаси бажарилиб, 30 га яқин катта-кичик ҳайкаллар, Голливуд шаҳарчаси, хинд филлари, Миср эҳромлари, динозаврлар, Аловуддин ажинаси, тимсоҳлар каби ўнлаб қизиқарли пластик бадий шакллар ишланди. Улар боғнинг “Болалар ва ўспиринлар дунёси” қисмига ўрнатилган. Меъмор – рассом Ахтам Бекмухаммедов ташаббуси ва муаллифлигида боғ деворлари ва айвонларига 5000 кв.м дан зиёдроқ бадий расмлар, ўнлаб боғ ҳайкаллари ишланган. Боғда мини зоопарк жойи, болалар сайри учун мини поезд ва велосипедлар релси ҳамда мини автомобиллар ҳайдаш учун очиқ айвон ҳам қурилган. Боғ худуди кўкаламзорлаштирилиб, яшил партерлар, майсазорлар ва гулзорлар ишланган ( 5,6-расмлар).



**5-расм.** “Суғдиёна” боғидаги кўприк



**6-расм.** “Суғдиёна” боғининг бош дарвозаси

Боғда бажарилган ишлар негизида шаҳримизда гулчилик мактабини ва ландшафт архитектурасининг шаклланишини кўришимиз мумкин. Шу ишлар асосида шаҳримиздаги мавжуд коллежлардан бирини гулчилик соҳасига айлантириш мақсадга мувофиқлиги сезилиб турибди. Шаҳримизда оранжеря ҳам йўқки, унинг ташкил бўлиши шаҳримиз аҳолиси ва ёшларда ландшафт маданиятини шакллантириш, муҳитни манзаравий эстетик безаш кўникмаларини ҳосил қилишган хизмат қилади. Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтида ландшафт меъморчилиги, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида эса дендрология бўйича магистратуралар очиш долзарб масалага айланмоқда. Бу ишларнинг бошини бирлаштиришга ва мувофиқлаштиришга мутассади саналган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ёки бўлимининг ишлари тубдан қайта кўриб чиқилиши зарур. Шундагина нафақат боғларни, балки бошқа шаҳар майдонларини, пиёда йўлакларни, нуфузли жамофт бинолари олдиларини гулзорлар ва замонавий яшил партерлар билан жиҳозлаш пайт келади [14].

Бир йилдан кейин Самарқандга келган киши, ҳатто шу ерда яшаган бўлсада, уни танимай қолиши тайин. Қатор-қатор кўп қаватли уйлар, боғлар,

шифо масканлари, савдо мажмуалари, лицей ва коллежлар қуриляпти. Дунёнинг барча бурчагидан манзарали дарахтлар, гуллар келтириб экиляпти. Бундай пайтда ўз-ўзимизга “Мен она шаҳрим ободончилигига нима ҳисса қўшдим?” деб савол беришимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Бир ҳафтадирки, Тошкентдаман. Саёҳатимнинг илк кунлариданоқ, биласизми, нима эътиборимни тортди? Шаҳарда яратилган яшил ҳудуд. Кўчаларда, хиёбонларда минглаб манзарали дарахтлар бор, ям-яшил майсалар барқ уриб ўсяпти. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги хушҳавони айтмайсизми? Баҳор бошланиши билан одамлар яна ангидан-анги кўчатлар ўтқазишаркан, гуллар экишаркан. Одатда тараққий этган давлатлар пойтахтларида, йирик шаҳарларда замонавий бинолар қурилишига зўр берилади-ю, айнан атроф-муҳит мўътадиллигини таъминловчи яшил манзара яратиш масаласи сояда қолади. Лекин инсон доимо табиийлик шайдосидир. Ўзбекистон шаҳарсозлигида мана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилиши эътиборимни тортди. Яъни мамлакатингизда қурилаётган ҳар бир замонавий иншоот ҳудуди, албатта яшил хиёбон билан уйғунлаштириларкан. Бу тажриба, шубҳасиз ўрганишга арзигулик.

### **3.2. Шаҳар майдонлари ва кўчаларининг ландшафт архитектураси**

Ҳозирги кунда шаҳримизнинг Бўстонсарой, Мирзо Улуғбек, Беруний, Спитамен шоҳ кўчалари ва Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган 444 та қурилиш ишларнинг 141 таси янги қурилиш ҳисобланади. Жумладан, 16 та кўп қаватли турар-жой, 4 та маъмурий бино, 108 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти қурилмоқда, еттита объектда 8,8 километрлик йўл таъмирланаётир [27].



Регистон майдони атрофидаги янги объект, яъни аввалги музей биноси ўрнидаги майдонни Йўлбарслар хиёбони, деб номланди (7-расм). Ушбу майдонда 2250 дона каштан, крим соснаси, настарин, лола дарахти ва бошқа шу каби ноёб ниҳоллар ўтказилди. Хиёбон

**7-расм.** Йўлбарслар хиёбони

худудида иккита фаввора барпо этилди ( 8-расм) ва атрофда маиший хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилди. Яқинда ишга туширилган “Регистон” супермаркети эса шаҳримиз аҳолиси ва сайёҳларга юқори сифатли савдо хизмати кўрсатишни бошлади.



**8-расм.** Йўлбарслар хиёбонидаги фаввора

Алоҳида эътироф этмоқ жоиз, эски шаҳар ҳудудида янги ускуналар воситасида замонавий канализация (оқова сув тизими)ни ташкил этиш бошланди ва бу борада ишлар қизғин давом этмоқда.

Бўстонсарой кўчасида айни пайтда кўп қаватли турар-жой, иккита банк биноси барпо этилмоқда. Бу иншоотлар замонавий архитектура талабларига тўла жавоб бериши ва миллийлик руҳи акс этиши билан алоҳида тавсифланади.

Ташриф буюрадиган меҳмонлар шаҳар аҳлининг маданияти, урф-одатлари, орасталиги, тоза-озодалиги ҳақида илк таасуротларини шаҳримиз остонаси бўлмиш Темирйўл вокзали отрофида олади. Шу боис бугунги кунда Мирзо Улуғбек, Спитамен шоҳ кўчаси, Бўстонсарой, Панжакент ҳамда Регистон кўчалари билан бир қаторда Темирйўл вокзалига борадиган Беруний кўчасида ҳам улкан қурилиш ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Узунлиги 1000 метрни ташкил этадиган мазкур кўча “Жомбой магистрал ” қурилиш ташкилоти бунёдкорлик томонидан қайта таъмирланмоқда. Йўлнинг кенглиги келажакда 24 метрни ташкил қилади. Йўл четлари кўкаламзорлаштирилиб, гул кўчатлари экилади ҳамда пиёдалар йўлакчаси, икки томонда махсус лоток-ариқлар барпо этилади.

Бугунги кунда Беруний кўчасини қайта таъмирлаш ишларига қурилиш ташкилотимизнинг 50 нафар ишчи-ҳодимлари жалб қилинган, - дейди “Жомбой магистрал” қурилиш ташкилоти иш бошқарувчиси Рустам Ўринов [28].

Марказий кўчалардан бири бўлган йўлнинг эски асфальтлари ўрнига қалинлиги 12 см.га тенг бўлган янги асфальт йўтқизирилиб, олти тасмали йўл ташкил этилади. Пиёдалар таъқиқланган жойлардан кесиб ўтмасликлари учун йўл ўртасида тўсиқ темир панжаралар ўрнатилади.

Бугунги кунда ҳар бир қайта қурилатган йўл замон талабларига тўлақонли жавоб бериши лозим. Шу боис ҳам мазкур йўлнинг таъмирланиши мутахасислар томонидан алоҳида назоратга олинган.

Беруний номли кўчанинг икки томонида жойлашган пана-пастқам, шаҳар архитектураси талабларига жавоб бермайдиган бино ва иншоотлар бузиб таншланиб, ўрнига замонавий кўринишдаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўп қаватли тураржой бинолари барпо этилаётир. Яқин беш-олти ойдан кейин мазкур кўча ўзгача қиёфага кириб, шаҳар хуснига-хусн кўшади.

Тошкент кўчаси қиёфаси тубдан ўзгарди-кўча ва унинг атрофида мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амлага оширилди. Ўтмиш билан замонавийлик уйғунлашган, ландшафт архитектурасига монанд кўринишдаги кўча чин маънода кўркамлиқ асб этди.

Маҳобатли Регистон майдонидан шимолга нигоҳ ташласангиз, Бибихоним жомъе масжиди ва Сиёб бозорининг дарвозалари. Ҳазрати Ҳизр масжиди ва унга ёндош Афросиёб тепалиги, Оби Раҳмат даҳаси-ю Мирзо Улуғбек расадхонаси, унга туташ Чопон Ота тепалиги кўзга ташланади. Бу ҳайрат, бу мўъжиза меъморий обидалар қурилганида пайдо бўлгандир балки, аммо бугун муҳтарам юртбошимизнинг Самарқандга меҳри ва ғамхўрлиги туфайли яна қайтадан пайдо бўлди. Икки тарафи тарихий ёдгорликлар, ҳунарманд касиблар макони бўлмиш Тошкент кўчаси тарихнинг кўп синоатларига гувоҳ. Кўнгил ҳайрати шуки, ҳозирда кўчанинг икки томонида кўҳна шаҳар ҳунармандлари ясаган турли буюмлар сотиладиган дўконлар қад ростлади (9-расм). Уларни кўриб Самарқандга хос меъморий лойиҳаларни топган, яратган архитекторларга тасанно айтгим келади. Наққош ва кошинкор, ёғоч ўймакор ва тош ўймакор усталар меҳнати туфайли мужассам яхлит мажмуа дунёга келди [33].

Самарқанд шаҳрининг Тошкент кўчаси деганда, кўз олдимизда Эски шаҳарнинг яхлит бир даҳаси намоён бўлади (10-расм).

Кечаги кунгача кўчанинг икки ёқасида ўтган аср бошларида экилган қайрағоч ва чинорлар бўй кўрсатиб турарди. Осмонга бўй чўзган улкан дарахтларнинг айримлари ҳануз олис мозийдан сўзлаб тургандай, назаримда. Бугун Тошкент кўчаси чинакам обод ва кўркем бўлди. Йўл бўйидаги бетон ариқлар, мрамар ва ёғочдан ясалган дўконлар атрофидаги гулзорлар, ҳаммаси мозийдан



**9-расм.** Тошкент кўчасидаги расталар



**10-расм.** Йўлбарслар хиёбонидаги катта фаввора



**11-расм.** Тошкент кўчасидаги ”Усто” бирлашмаси ички ҳовлиси

сўзлаб тургандек гўё (11-расм). Улуғлар руҳи кезиб юргувчи Эски шаҳар, бутун Самарқанд янада обод ва кўркем қиёфа касб этди-ки, улуғвор ишлар бошида давлатимиз раҳбари турибди. Вилоят ҳокимлиги, самарқандлик меъмор-у хунарандлари, кенг жамоатчилик саъй-ҳаракатила кўҳна шаҳар яна ҳам обод бўлаётир.



**12-расм.** Тошкент кўчасидаги дўконлар

Шаҳар дарвозаларидан бири – темир йўл вокзалидан Университет хиёбонигача бўлган масофада – Беруний ва Улуғбек кўчаларида амалга оширилаётган ишлар барчанинг эътиборини тортяпти. Негаки, айнан ана шу

икки кўчани кенгайтириш, атрофдаги ўндан ортиқ янги замонавий кўп қаватли уй-жойлар, бундан ташқари бир қанча ижтимоий-иқтисодий иншоотлар барпо этиш ишлари жадал олиб бориляпти. Бу кўчаларда янги ариқлар қазил, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазил, ободонлаштирил, юмушлари ҳам қурилиш ишлари билан уйғун равишда амалга ошириляпти дикқатга сазовордир.

Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси ўз ўрнидан энди туришга ўрганган тетропя бола каби улғайиб келмокда. Бирок, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали олдиндаки, улар ўз навбатини кутиб турибди. Шулардан биринчиси, шаҳардаги умумий фойдаланишга мансуб ҳудудларни кўкаламзорлаштирил, гулзорлаштирил ва майсазорлаштирилдир. Бунинг учун шаҳарда махсус гулчилик мактаби, кўкаламзорлаштирил коллежи ва яшил хўжалик комбинатларини ташкил қилишни таклиф қиламан. Шаҳардаги мавжуд яшил хўжалик комбинатининг сервис хизмати чекланган, уни ривожлантирил зрур.

Кўкаламзорлаштирилдаги асосий тамойил шундай бўлмоғи керакки, биз қандай ўсимликни (дарахт, бута, гул ёки майса турини) қарга, қанча,



қандай мақсадда ва қандай усулда, яъни қандай манзаравий ландшафт композициясида экишимиз зарурлигини билмоғимиз керак. Бунинг учун эса махсус ландшафт ва дендролойиҳалар ишланиши ва кўкаламзорлаштирил ишларини ўша лойиҳалар асосида бажармок зарур [9].

### **13-расм.** Тошкент кўчасидаги солитер

композиция

Самарқанд шаҳрининг марказий кўчалари ва майдонлари Мустақиллик йилларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари туфайли шаклан инсонга

уйғун, фуқаровий меъморий муҳитга айлантирилган. Масалан, кўчалар кенгайтирилди, текисланди, сунъий тўшамалар ётқизилди, кўкаламзорлаштирилди, муҳандисона ободонлаштирилди (13,14,15-расмлар).



**14-расм.** “Регистон” ёнидаги хиёбон айвони



**15-расм.** Тошкент кўчасидаги мўъжаз ҳайкал

Унинг архитектураси эса ўзининг дастлабки муҳитига мос тарзда қайта тикланиб янада фуқаровийлашди. Бу ишларни бажаришда Президентимизнинг Самарқанд шаҳрига ташрифи ва шахсий ташаббаси катта рол ўйнайди.

Бугунги кунларда шаҳарни яёв кезиш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқандда амалга оширилган улкан ишлар каторида қиёфаси тубдан ўзгартирилган Беруний ва Бўстонсарой кўчаларига алоҳида тўхталмоқчимиз. Унинг фусункорлигидан кўнгил яйраб, бунёдкорли, яратувчанликнатижалари ҳар қандай ишга ғурур ва фахр бағишлайди.

Беруний кўчасида бунёдкорлик-қурилиш ишларининг бошланишига анча йил бўлди. Темир йўл вокзали остонасидан бошланадиган бу йўлда аввалги йилларда ҳам катта ҳажмдаги ишлар бажарилганди. Хусусан, темир йўл вокзали худудида жуда катта бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Янгидан барпо этилган ”Агробанк” вилоят бошқармаси ва умумтаълим мактаб биноси ҳудуднинг янада чирой очишини таъминлаганди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Тараққиётни белгиловчи омиллар кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукамал коммуникация тизимини яратишдан бошланади. Йўл эса комуникациянинг асосини ташкил этади”. Дарҳақиқат, йўл бор жойда, ҳаракат бор, ҳаракат бор жойда эса албатта тарикқиёт бўлади.

Кўчани реконструкция қилиш ва кенгайтириш жараёнига уйғун ҳолда, йўл ёқасида шаҳарсозлик қоидалари асосида миллий ва замонавийликни ўзида мужассам этган бино ва иншоотлар қад ростлади. Самарқанднинг эски шаҳар қисми томонга йўналган йўлнинг икки тарафидаги маданий-маиший ва савдо объектлари, тура ржой бинолари фасади янгилангани кўчага янада гўзаллик бахш этди. Мазкур ишларнинг ўзига хос томони шундаки, барпо этилган ёки реконструкция қилинган бино ва иншоотлар турфа хил рангларда бўялиб, улар бир бирини такрорламайди. Уларнинг том қисми ўзимизда тайёрланган турли рангдаги черепицалар билан ёпилган [34].

Албатта, олиб борилган кенг кўламдаги юмушларда ҳудуд экологияси, хусусан, ҳавонинг тозаллигини таъминлаш ҳам мутасаддилар назаридан четда қолмайди. Сир эмаски, инсон учун зарур бўлган тоза ҳавони еиказиб беришда ўсимлик дунёсининг аҳамияти катта. Айнан шу мақсадда Беруний кўчасида йўл бўйларидаги майсазорларда 800 тупдан зиёдроқ олча, гило ва кўксултон сингари дарахтлар ўтказилди.

Йўлсозлар томонидан Беруний кўчасини қайта қуриш бўйича 2 млрд. 289 млн. сўмдан ортиқ миқдордаги ишлар амалга оширилди. Барча анализларга мос реконструкция қилинган 2 км йўлнинг қатнов қисми 32 метрни ташкил қилиб, у барча талабларга жавоб беришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 6 тасмали кўчанинг икки четига ўрнатилган бетон ариқ-лотоклар ёғингарчилик мавсумида ёмғир ва қор сувларининг асвалть қопламага зарар етказишининг олдини олади. Кўчани эса иккига ажратиб турган темир панжаралар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга [31].

Беруний кўчасидан сўнг Мирзо Улуғбек кўчаси бўйлаб юриб, Бўстонсарой кўчасидаги ўзгаришларни кўришимиз мумкин.

Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра 2010 йилда олиб борилган кенг кўламли бунёдкорлик-қурилиш ишлари жараёнида 20,68 км. йўл капитал ва 69,3 км йўл жорий таъминланди. Жаҳон банкининг 3 млн. 960 минг АҚШ доллари маблағи ҳисобига 20,3 км. сув қувурлари ётқизилиб, шаҳарда ичимлик сув таъминоти бир мунча яхшиланди [28].

Шу пайтгача Амио Темур ҳайкали пойидан бошланиб, Шарққа қараб йўналган Бўстонсаройнинг кўриниши ҳеч қачон ҳозиргидек гўзал бўлмаган. Биргина Бўстонсарой ва Мирзо Улуғбек кўчалари кесишмасидаги Миллий банк ва Алоқа банк Самарқанд филиалининг янги бинолари ўзига хос улуғворлик касб этган.

2010 йил йил бошидан буён Бўстонсарой кўчасида ҳар бири 32 квартирали 5 та кўп қаватли турар-жой биноси қад ростлади. Умуман, 2010 йилда шаҳар миқёсида 453 та объектларда қурилиш ва реконструкция

ишлари амалга оширилди. Шундан 163 таси савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 61 таси ижтимоий соҳа объектлари бўлса, 26 таси маъмурий бинолардир. 30 та кўп қаватли турар-жойлар таъмирлиниб, 12 таси янгидан барпо этилди. 162 та хусусий уй-жой бинолари, 2 та маҳалла марказлари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, кўча четидаги улкан қурилишларга монанд майсазорларга 650 тупдан зиёд меваги ва манзарали дарахтлар экилди. Самарқанд шаҳар ободонлаштириш департаменти ходимларининг таъкидлашича, 2009 ва 2010 йилларда 42 гектар майдон кўкаламзорлаштирилган.

Ҳозирда бир гуруҳ архитекторлар Бўстонсарой кўчасининг келажакдаги кўриниши устида иш олиб боришмоқда. Демак, кўчанинг қолган қисмида тез орада ижобий ўзгаришлар бўлиши шубҳасиз. Шу тариқа, бунёдкорлик ва яратувчанлик Буюк Ипак йўлини тиклаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар билан уйғунлашиб кетмоқда.

### **3.3. Жамоат бинолари атрофларининг ландшафт архитектураси**

Истиқлол йилларида Самарқанд шаҳрида ҳар томонлама чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда. Қисқа даврда беқиёс ободонлаштириш ишлари, бунёдкорлик, яратувчанлик кўзга ташланди. Деярли барча тарихий обидалар ва уларнинг атрофида кенг кўламдаги реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Обидалар бугунга келиб иккинчи умрини яшайпти десак муболаға бўлмас. Тарихий обидаларнинг атрофидаги архитектура талабларига жавоб бермайдиган эски бинолар олиб ташланиб, ҳудуд ўзгачи қиёфа касб этди. Пана-пастқам бинолар ўрнига гўзал хиёбонлар ташкил этилди. Буни Регистон майдони, Бибиҳоним мақбараси, Руҳобод майдони, Шоҳи Зинда мажмуаси ва Амир Темур мақбараси атрофидаги беқиёс гўзалликлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Биргина ўтган 2010 йилнинг ўзида шаҳарда олиб борилган ишлар ҳар қанча эътирофга лойиқ. Самарқанд аэропорти ҳудуди замонавий меъморий лойиҳалар асосида реконструкция қилиниб, қайта қурилди. Жуда катта ва тинимсиз меҳнат натижасида, аэропорт майдони меҳмонлар эътиборини тортадиган масканга айланди. Бунинг учун ҳудудидаги шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган айрим бинолар кўчирилди. Ям-яшил майсазорлар, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилиб, майдон тўлиқ ободонлаштирилди [31].

Худди шундай реконструкция ишлари Темир йўл вокзали ва унинг атрофида ҳам амалга оширилди. Бу ерда ўзига хос дизайнда беқиёс гўзал майдон барпо этилди. Йўллар ва йўлаклар нафақат кенгайтирилди, балки атрофи чиройли панжаралар билан тўсилиб, ям-яшил майсазорлар ташкил этилди, дарахт ва гуллар ўтказилди. Транспорт воситалари тўхташ жойи ва сайр қилиб дам олинадиган масканлар қайта таъмирланди.

Рўдакий кўчасида жойлашган савдо ва умумий овқатланиш нуқталари бошқа жойга кўчирилиб, кўча ободонлаштирилди. Кўчанинг қиёфаси ҳозирги кун талаби даражасида чирой очди. Коммуникация тармоқлари янгиланди.

Тошкент кўчасида ҳам қисқа фурсатда мўъжизавий ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундан олти-етти ой олдин Тошкент кўчасида 137 та савдо шаҳобчалари сифатсиз, самарасиз фаолият кўрсатган бўлса, энди уларнинг ўрнига 37 та замонавий савдо дўконлари барча соҳада замонавий талабларда хизмат кўрсатаётир. Мазкур савдо дўконларида фақат миллий хунармандчилик буюмлари, Самарқанднинг моҳиятига мос эсдалик совғалари, шарқ ширинликлари сотилади, чойхона ва ошхоналарда ҳам миллий таомлар тайёрланади. Кўча фақат пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланган бўлиб, Регистон майдони ва Бибихоним масжидини боғлаб турувчи сайлгоҳга айланди.

Бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчада ҳам кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўчадаги барча савдо

нуқталари ва бошқа ташкилотларнинг бинолари замон талабида таъмирланди, фасадлари сайқаллаштирилди.

Университет хиёбонида олиб борилган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ бўлди. Қуриган, касалланган дарахтлар олиб ташланиб, ўрнига бошқа дарахт кўчатлари ўтказилди, ён-атроф кўкаламзорлаштирилди. Тошкент, Алишер Навоий номли кўчадаги сингари хиёбонда ҳам яшил майдон ва гулларни ёмғирлатиб суғориш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда шаҳарда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичи давом этаётир. Панжикент, Бўстонсарой, Регистон, Мирзо Улуғбек, Беруний ва Спитамен шоҳ кўчаларидаги дарахтлар, шаҳар архитектурасига мос келмайдиган уйлар олиб ташланиши ҳисобидан бу кўчалар кенгайтирилиб, замонавий кўринишга кирмоқда. Кўчаларга каштан, қрим қарағайи сингари дарахтлар ўтказилди.

2010 йилда Самарқанд шаҳри қиёфаси янада гўзаллашди. Таниб бўлмас даражада сайқаллашди. Янги тураржой бинолари, маиший хизмат шаҳобчалари, турли иншоотлар барпо этилди.

### **3.4. Меъморий ёдгорликлар ҳудудларининг ландшафт архитектураси**

Самарқандни “Аллоҳнинг назари тушган маскан” деб эътироф этамиз. Бу бежиз эмас. Жилвагар дунёнинг табиати, суви, об-ҳавоси, бунёдкор халқни ҳар қанча таърифласак оз. Эҳтимол, Самарқанднинг “Шарқ гавҳари”, “Олам меҳвари”, “Замин сайқали” дея эътироф этилиши ҳам Оллоҳ иноятидир.

Шунинг учун ҳам дунё бу ўлкага интилади, улуғ аجدодларимиз руҳи покларини тавоф айлашга ошиқади, улар қолдирган бой меросдан баҳраманд бўлишни ният қилади.

Шоҳи Зинда обидалари мажмуига кираверишда шундай битикларни ўқиймиз: “Пайғамбар каломи будир: Қусам ибн Аббос кўриниши ва хулқи

билан ҳаммадан кўра менга кўпроқ ўхшайди”. Ушбу каломда ҳикмат излаганга ибрат борди, гўзаллик излаганга ибрат бордир. Зеро, Қуръони Каримда ҳам “Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни севади” дейилади.

Шоҳи Зинда соҳибқирон Амир Темур даврида қайта тикланган ва XIX асргача бойитиб борилган. Айна маҳалда ҳам бу ерда Шимолий, Хожа Аҳмад, Ноъмалум макбара, Туман оға, Амир Бурундик, Уста Али Насафий макбаралари ва бизга ноъмалум ўнлаб макбаралар мавжуд [23].

Ўзбекистон ҳукуматининг Ислом маданиятида муҳим ўрин тутувчи мажмуани ҳимояга олиш билан боғлиқ қарорини тараққийпарвар дунё ҳамжамияти ғоятда хайрли, муҳим янгилик сифатида кутиб олди. Ўзбекистон мустақиллиги, ниҳоят, Шарқ гўзалликларини, Ислом маданиятини ўзида мужассам этган, бироқ, асрларнинг мубҳам қаърида қолиб келаётган саҳифалардан яна бирининг тиниқлашишидан севинишди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июльда қабул қилган “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мажмуа тарихида том маънода ёрқин саҳифага асос солди. Қарор

**16-расм.** Шоҳи Зинда ландшафти

қабул қилинган, бир ярим йил ичида қилинган ишлар сарҳисоби, кишини хайратга солади. Самар-қандда аввал ҳам бўлган хорижлик қадимшунослар, тарихчи-ларнинг эътироф этили-шича, Шоҳи Зинда асос солингандан буён Амир Темур даврида бир бор ва Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, иккинчи марта чинакамига обод этилган. Таъкидлаш жоизки, мажмуанинг бу

кадар яшнаши Самарқанднинг янада чирой очишига сабаб бўлди. Шоҳи Зинда ансамбли билан Бибихоним, Регистон, Амир Темур мақбараси оралиғидаги, қадимий Сиёб обозори атрофидаги бунёдкорлик ободончилик ишлари ҳар қанча таърифларга муносибдир ( 16-17-расмлар).



**17-расм.** Хазрати Хизр масжиди атрофидаги ландшафт

Президентимиз раҳнамолигида янгитдан бунёд этилган Имом ал-Бухоний зиёратгоҳи, имом Мотрудий мақбараси, қайта таъмирланиб, обод этилган Хожа Аҳрори Валий зиёратгоҳлари ҳақида ҳам ҳар қанча гапирсак, мадҳиялар ўқисак оз. Ушбу даргоҳларнинг ҳамيشа зиёратчилар билан гавжум эканлиги, хорижлик меҳмонларнинг тобора кўпайиб бораётганлиги ҳам мамлакатимизда азиз жойлар муносиб қадрланаётганидан далолат беради (18-расм).

Самарқандда Хўжаи Хизр, Дониёр, Довуд пайғамбарларнинг номлари билан боғлиқ масжид, зиёратгоҳлар мавжуд. Хўжаи Хизр масжиди Шоҳи Зинда ансамбли билан ёнма-ён жойлашган. Масжид кейинги йилларда обод этилди. Бугун у шаҳар кўркига кўрк кўшиб турибди. Дониёр пайғамбар зиёратгоҳидан турли динларг эътиқод қилувчиларнинг қадами узилмайди.



**18-расм.** Тошкент кўчасининг ландшафти

Довуд пайғамбар зиёратгоҳи ҳам ҳомийлар томонидан обод этилиб, зиёратчиларга қулайликлар яратилган.

Хуллас, Самарқандда азиз жойлар, зиёратгоҳлар кўп. Уларнинг янада обод этилаётган, зиёратчилар билан кундан-кун гавжумлашиб бораётганлиги эса мамлакатимизда виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги, диний эркинликлар асослари устивор эканидан далолат беради.

Шаҳримизнинг кўчаларида олиб борилаётган улкан қурилиш-ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари кўҳна шаҳарга ўзгача қиёфа касб этмоқда. Мана шундай қурилиш ишлари шаҳарнинг юраги ҳисобланган Регистон майдони атрофида ҳам қизғин суратларда олиб борилаётир. Бу ерда эски музей ўрнида кенг ва кўркам хиёбон бунёд этилаётир. Хиёбоннинг чека қисмида 505-механизациялашган қурилиш ташкилоти қурувчи-усталар томонидан аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш шаҳобчалари, савдо дўконларига мўлжалланган бинолар қурилмоқда [28].

Шунингдек “Аср” қурилиш ташкилоти томонидан иссиқ кунларда худудга салқинлик ва гўзаллик бахш этадиган янги фавворалар ўрнатилди. Хиёбонда “Тенастроймонтаж” қурилиш ташкилоти томонидан йўлакчалар қурилди. Арча кўчатлари ўтқазилиб, атроф кўкаламзорлаштирилди. Тарихий обидаларга уйғунлашган бу кўркем хиёбондаги қурилиш ишлари Наврўз умумхалқ байрами арафасида якунига етказилди.

Шоҳи Зинда мажмуасининг юқорисида Ҳазрати Хизр масжиди рўпарасидаги қисмида миллий услубдаги шарқона дарвоза- хошиядор иншоот ҳамда унга туташ ғиштин деворлар қурилди. Бунёдкорлик ишларини Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бошқармаси “Меъмор -96”. ОАЖ қурувчилари амалга оширдилар [27].

Қабристонга кирадиган дарвоза ва унинг атрофидаги хужралардан иборат гумбазсимон иморат эскириб, бугунги талаб даражасидан орқада қолганди. Эски бино бузилиб, унинг ўрнига мукаммал лойтҳа асосида меъморий иншоот бунёд этилди. Аввало, иккала кўхна меъморий обида- Ҳазрати Хизр масжиди билан Шоҳи Зинданинг юқори қисмида бунёд этилган иншоот бир-бирига монанд, архитектуравий уйғунликда кўркем ва тенгсиз қурилди.

Дарвоза ёнғоқ дарахтидан ёғоч ўймакорлиги намуналари асосида ясалмоқда. Дарвозани яхлит иншоотдан иборат бўлиб, баландлиги етти ярим метр, дарвоза эса эни тўрт, бўйи беш метрлар атрофида қурилган. Дарвоза деворининг эни бир ярим метр қалинликда ғиштан терилди. Ҳозирда усталар дарвозанинг олд томони сатҳига Эрондан келтирилган оникс- ғишлардан хошиядор қилиб терилган.

Ичкари ҳовлининг сатҳи ва йўлакларига Навойи вилоятининг Қизилтепа туманидан махсус пишиқ ғишлар келтирилди.

### 3.5. Ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар

Ландшафт архитектураси амалиётида анъана тусига кириб бораётган яна бир янги йўналишлардан бири-бу бадий хунармандчилик элементларининг очик муҳитлар архитектураси ва ландшафт композициялари билан муштараклашиб боришдир. Бу йўналишни ландшафт архитектураси объектлари муҳитларини бадий (халқ) хунармандчилик элементлари билан синтезлашуви деб айтиш тўғри бўлади деб ўйлайман.


Дарҳақиқат, кейинги йилларда халқ хунармандчилиги намуналаридан ландшафт архитектураси ва дизайннинг кичик ландшафт композициялари: интерьерлар, экстерьерларнинг муъжаз композицияларида, ички ҳовлиларда, йўлаклар четларида, дам олиш бурчакларида, балки, нисбатан каттароқ майдонга эга бўлган ландшафт полотноларида, хиёбон, сквер, чорраҳалардаги композицияларда; клумба, гулзор, кўкаламларда; шалола, фавворалар, декоратив сув ҳавзаларида акцент, доминант сифатида қўллаш, унумли фойдаланиш русум бўлмоқда. Шамот, бетон, мрамор, гранит ва бошқа тошлардан тайёрланган ҳайкалторошлик ўлчамларига тенг, маҳобатли декоратив кулолчилик композициялари пайдо бўлмоқда.

Сирасини айтганда халқ хунармандчилиги соҳасида ҳам янги **маҳобатли декоратив кулолчилик** жанри юзага келмоқда-ки, бу бошқа очик муҳитлар дизайнига кириб бормоқда. Айниқса, болалар майдончалари, боғча-ясилар, меҳмонхоналар, муассасалар, фирма ва ишлаб чиқариш биноларига кириш олди ва ҳовлиларидаги меъморий муҳитларида бундай композицияларнинг лойиҳаланиб, ҳаётга тадбиқ этилиши замонавий ландшафт архитектураси ва дизайннинг янги миллий услублар билан бойишига олиб келмоқда. Асосийси бу композицияларнинг кишилар руҳиятига ижобий таъсир этаётганлиги, уларга завқ-шавқ бераётганлиги ижодкорларга ҳам янада илҳом бермоқда.

Санъатлар қадимдан бир булоқдан сув ичиб, бир-бирига коришиб(синтезлашиб), бир-бирини доимо тўлдириб келган. Архитектурада бўлгани каби ландшафт архитектураси ва дизайнида ҳам рассомчилик, ҳайкалторошлик ютуқлари доимо мужассам бўлган. Бугунги кунга келиб санъат турлари янада кўпайиб улар ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб бораётганидек, бу санъатлар – икебана, бонсаи, хай-тек, дизайн, архитектура, декоратив санъат маҳсулотлари(асарлари)ни, уларнинг элементларини (арабеска, аркада, волюта, гирлянда, колоннада, амфитеатр, терраса ва б.) ҳам ландшафт архитектурасида қўллаш фойдадан холи эмасдир. Демак, ландшафт архитекторлари ва дизайнерлари билан бошқа санъат усталари, халқ ҳунармандларининг ҳам ҳамкорлиги бугунги куннинг талаби эканлигини дилдан ҳис қилишимиз лозим экан [15].

Шу ўринда биз бадиий ҳунармандчилик, кулолчилик элементлари қатнашган ландшафт композицияларини лойиҳалаш ва уларни амалга оширишда зарур бўлган баъзи бир маслаҳатларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Буни дастлаб, муъжаз ландшафт композициялари саналадиган *клубалардан* бошласак. Клубалар асосан қуйидаги геометрик фигуралардан ташкил топади (19-расм):

- учбурчаклар (тенг томонли, тўғри бурчакли ёки жой режавий тузилишига қараб ўткир, ўтмас бурчакли);
- тўртбурчаклар (тўғри бурчакли, квадрат, ромб шаклида ёки жой режавий тузилишига қараб ўткир, ўтмас бурчакли);
- кўпбурчаклар (мунтазам кўпбурчакли ёки жой режавий тузилишига қараб турли бурчакли);
- айлана ва оваллардан [15].



**19-расм. Турли шаклдаги клумбалар ва уларни геометрик асослаш:**  
**а)** квадрат, тўғри тўртбурчак, ромб, тўртбурчак, трапеция; **б)** тенг томонли (мунтазам), тенг ёнли, тўғри бурчакли ва ўткирбурчакли учбурчак; **в)** мунтазам олти, саккиз, бешбурчакли ва айдана, овал шаклидаги клумбалар плани.

Клумбалар партьерлар, аллеялар, чорчаман, майсасимон муъжаз гулзорларнинг, кўча, йўлаклар четлари, чоррахаларнинг, бинолар олд қисмларининг асосини ташкил этади. Авваллари клумбаларнинг геометрик шаклига қараб, клумба учлари кесишган нуқтага яқин жойларига - умумий экилган паст майса ёки гуллардан сал баландроқ ўрмалаб усувчи, барги гуллари баландроқ ўсимликлар, учларидан ўтказилган диаганаллар кесишган нуқталарга, яъни ёки клумба марказига - нисбатан баланд, ранг, шакли, фактураси жиҳатидан ҳам характерли ҳисобланган гуллар, буталар (юкка, бўригул, атиргул, шамшод, бересклет) танланиб, доминант (солитер) сифатида экиларди.

Энди бундай клумбаларда, агар улар майдони:

- кичикроқ (ўлчамлари 1x1 дан 3x3 м.гача бўлган) бўлса, ўртасидаги доминант гул-буталар ўрнига;
- нисбатан каттароқ (3x3 дан 6x6 м гача бўлган) майдонлар марказига гуллайдиган ёки чиройли шаклдаги бута, паст бўйли дарахтлар (форзиция, япон беҳиси, сурия атиргули, магнолия, япон тути, софора) ёки

формовка қилинган бута ва дарахтлар (шамшод, бересклет, сарв, можжевельник, арча) экилиб, учлари кечишган нуқта яқин жойларига,



**20-расм.** Ўртасига характерли гуллар (Глаоцияум ёки Юкка) экилган айлана шаклидаги клумбалар

гуллар ва ўсимликларга контраст бўлган декоратив ҳайкалчалар, кулолчилик маҳсулотлари (стилизацияланган кўза, абстракт композицияларга эга рамзий шакллар) қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади (20-21-расмлар).

Ҳайкалтарош ва ҳунарманд усталаримизни ҳам шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшадиган ҳамда биз нафас олиб фаолият юритадиган масканларимиз ҳавосини мунтазам тозалаб берадиган кўкаламзорларимиз, гулзорларимиз, хиёбонларимиз, муъжаз боғларимизга янада чирой бағишлайдиган асарлар яратишда, ландшафт архитекторлари ва дизайнерлари билан ҳамкорлик қилишга чорлаб қоламиз.

Ландшафт архитектурасида дарахт ва буталарнинг бир-бири билан ўзаро композициясини жуда кўп кузатганмиз. Улар табиатда тартиб билан ўсмасаларда, баъзан шундай чиройли композициялар ҳосил қиладиларки, бунга қойил қолмасдан иложинг йўқ. Биз уларни *пейзаж (манзара) композицияси* деб атаймиз. Пейзаж композициясида дарахт ва буталар табиатда қандай ҳолда ўсса, шундайлигича, табиий, яъни эркин ҳолидаги композицияларни тушунамиз. Бу композицияни ландшафт архитектураси амалиётида амалда қўллаганимизда табиийликдан келиб чиқилса-да, аммо улар бири-бири билан шаклан, ранг жиҳатидан ва албатта фактура жиҳатидан бир-бирини такрорламайдиган бўлишлигига эришмоқ даркор.



**21-расм.** Ўртасига шаклга қўйилиб ясалган бетондан тайёрланган ва ҳунармандчилик маҳсулотлари бўлган турли ўлчамдаги кўзалар қўйилган саккиз юлдуз ва айлана шаклидаги клумбалар

Баъзи дарахт ва буталар гуллаш даврида, баъзилари эса барг ёзиш даврида, меваси пишган даврида ёки кузда, хазонрезгилик даврида жозибадор бўладилар. Лекин Каштан, Мажнунтол, Альбиция, Қайин, Катальпа, Қарағай, Сарв, Нок, Тут,

Шамшод, Нормушк каби ҳамда фақат гуллаш учун яралган Лоладарахт, Сирень, Япон беҳиси, Форзиция, Магнолия каби ўнлаб шундай дарахт ва буталар борки, уларни якка ҳолда кўрганда ҳам кишига завқ бағишлайди. Шунинг учун уларни массив ва фон тариқасида ўстириладиган композициялар олдига, ландшафт ва меъморий шаклларнинг олд қисмига, бино ва иншоотларнинг кириш жойларига ва бошқа диққатга сазовор жойларга *солитер* (соло -"якка" дегани) тарзида қўллаш тавсия этилади.


Дарахт ва буталар игна баргли ва япалоқ баргли бўлиши, фактуралари ва ранглари ҳам тўқ ёки оч рангларда бўлиши композицияларни янада бойитишга имкон беради. Солитерга мўлжалланган ва ранг жиҳатдан очроқ, шаклан чиройли бўлган дарахт ва буталар тўқ рангдаги яшил массив,

гшурхларда экилган баланд дарахтлар олдига экилса мақсадга мувофик бўлади.


Аслида табиатнинг ҳар бир элементи айрим ҳолда ҳам жуда гўзал, улар табиий муҳитнинг бошқа элементлари, мисол учун: тошлар, сув манбалари - ариқ, ҳавза, турли баландликдаги рельеф компонентлари билан янада жозибалироқ кўринади. Ҳовузнинг ёқасидаги тарвақайлаб ўсган тол ва унинг сувдаги аксини, ёки унданда гўзалроқ манзара Мажнунтол ва тиниқ сув юзасининг мутаносиблигини кўриб табиатга тасанно айтмасдан иложимиз йўқ.

Дарахт ва буталарни тартиб билан, уларни қаторлаб экиш азалдан иссиқ ва қуруқ иқлим шароитини ҳисобга олиб яратилган десак, хато бўлмайди.

Чунки ўсимликлар сувсиз кўкармайди, керакли манзаравий натижа бермайди. Шунинг учун уларни суғориш тизиминининг оддий ва катта меҳнат талаб қилмайдиган усули бу тўғри ариқ - ўқариқлар олиб суғориш усулидир (22-23-расмлар).



*22-расм. Япон боғи режасига кўра пейзаж усулига мисол бўлади*




*23-расм. Чорбоғ ва чорчаман услубида бунёд этилган боғ. Ҳирот, XV аср  
миниатюрасидан*

Шароитдан келиб чиқиб яралган ана шу чизикли, *геометрик усул* - "*Шарқона усул*" деб ном олган, у парк, боғлар ва шу каби композицияларда кадимдан қўлланилиб келинади [14].

Малакали архитектор ва ландшафт дизайнерлари нисбатан текис жойларда геометрик усулни, нисбатан рельефли жойларда эса пейзаж усулини қўллашни мақбул кўрадилар.

Уларни бирваракайига, параллел равишда қўллашдан учинчи *-аралаш услуб* вужудга келган. Симметрия композициянинг олтин воситаларидан бири бўлганидек, геометрик услуб ҳам кўкаламзорлаштиришнинг олтин услуби ҳисоблансада, уларни барча композицияларда қўллайвериш ҳам охир оқибат зерикарли қилиб қўйиши тайин. Шу сабабли улар тенг ҳолда бўлмасада, баъзи

ойларда асимметрик, яъни пейзаж усули ҳам қўлланса яратилган композициялар янада манзарали ва жонли чиқади.



*24-расм. Аралаш услубда, яъни пейзаж ва геометрик усуллар ргаликда қўлланган боғ. Испания, Генералиф Сарой-боғи. XIV аср.*

Ўйникса, рельефи қизиқарли, ранг-баранг дарахт ва буталари мавжуд бўлган жойларда боғ ёки парк композициялари яратилаётганда аралаш усулни қўллаш айти муддао бўлади (24-расм).

Самарқанд яқин йилларда йирик туристик шаҳарга айланади. Шунининбатга олган ҳолда ҳозирги кунларда шаҳарда жуда катта қўламдаги ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишларнинг янада самарали бўлиши, бетакрор шаҳримиз янада гўзал, мафтункор бўлиши учун фикр-мулохозаларни билдирсак, таклиф ва тавсиялар берсак – шаҳримизни янада яхшилаш бўйича катта ишга ўз ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Кўчаларга, хиёбонларга дарахтлар бир неча мақсадда экилади. Биринчидан улар яхши манзара беришлиги, иккинчидан ҳозирги жазирама иссиқларда соя-салқин ҳосил қилишлиги ва учинчидан кўча шовқинини ва

чангни тўсиб биноларга ўтказмаслиги. Игна баргли дарахтлар йилнинг ҳамма фаслларида яхши манзара беради, лекин соя-салқин бериши яхши эмас. Шовқинни ва чангни тўсишда катта баргли дарахтларга улар тенглаша олмайди. Чинор, каштан, терак, заранг, липа ( арғувон ), садақайроғоч (ғужум), қарағай ва арчаларга нисбатан қалин соя беради, барглари шовқин ва чанглари 2.0 – 3.0 баробар кўп ушлаб қолади [14].

Чинорлар ва тераклар баландлиги, сершоҳлиги, барг юзасининг катталиги билан ёз ойлари ўзига хос салқин микроклим шароитини яратади.

Шуларни инобатга олиб биз шаҳарни дарахтлар экиб ободонлаштиришда турли турдаги дарахтларни аралаш ҳолда экишни, кўпроқ маҳаллий дарахтлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Маҳаллий дарахт турларидан садақайроғоч (ғужум) деярлик экилмайди. Чиройли юмалоқ шар шаклида шохлаб шакл ҳосил қиладиган ва қалин баргларидан куйуқ соя берувчи, совуқликка ўта чидамли бу дарахтни манзара берувчи тур сифатида истироҳат боғларига, тепалик ёнбағирларига, ариқлар ёнларига экса маъкул бўлар эди. Истироҳат боғларга алоҳида чинорзорлар, терак ва толзорлар, ғужумзорлар, заранг, арғувонзорлар, каштанзорлар ташкил қилинса, шулар орасида арчазорлар ва қарағайзорлар ҳам бўлсин. Дам олувчилар ўзлари танлаб қайси “Дарахтзорлар” маъкул бўлса ўшалар тагида дам олишади.

Вақти келиб шахримизни кесиб ўтадиган йирик ариқлар ( Сиёб, Жарарик ва бошқалар) ҳам тозаланиб атрофларида сайр қилинадиган кичик боғлар ташкил қилинади. Катта ариқлар, жарликлар ўзига хос рельеф шаклларига эга бўлиб, уларни ободонлаштиришда ўзига хос ландшафт - безак беришни тақозо этади. Сой тагида мажнунтол, оқ ва кўк тераклар, жийда, дўлана, акациянинг баъзи турлари, чинор, каштан, мевали дарахтлар экилади. Тик ёнбағирларга арча, акация, айлант, мевали дарахтлардан гилос, олма, ўрик экилгани маъкул.

Томчилатиб суғориш йўли билан тепалик жойни тўлиқ ўзлаштириш, курғоқчиликка, совуққа чидамли маҳаллий дарахт ва буталарни жой

рельефига мос жойлаштириш масалаларини, Чўпонота тепалигининг атрофларига уч қатор қилиб садақайрағоч (гужум), каштан аралаш экиш, сойларга эса жийда, бодом, учқат, дўлана, ёввойи гилос, наматак, қир тепаларига арча экиш, текис майдонларда гулзорлар ташкил қилиш масалаларини кўтариш мақсадга мувофиқдир.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш керакки, шаҳримиздаги ободонлаштириш, гулзорлаштириш, безаш ва бошқа ишлар чуқур илмий – тадқиқот ишларига асосланиши ва ҳалқимизнинг кўп йиллик тажрибаларига таянган ҳолда бажарилиши лозим.

### **3.6. Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофи ландшафт масканларини минтақавий комплекс ечиш муаммолари**

Бизнинг назаримизда бугунги Самарқанд ландшафт архитектураси Европа замонавий ландшафт амалиёти таъсирида бўлиб, бу соҳада бир қадар таваккалчиликка йўл қўйилмоқда. Буни Чўпон Ота қирликларида илмий тадқиқот ва тавсияномасиз асос солинган икки катта боғ, барча янги боғларда қўлланилаётган дарахт ва бошқа ўсимлик турлари, анъанавий ариқлар тизимининг йўқотилиб, суғоришнинг кўп ҳолларда шаҳар ичимлик сув тармоғига боғланганлиги ва энг ачинарлиси керак-керакмас ҳолатларда партер кўкаламзорлаштиришнинг кенг қулоч ёйиб кетаётганлигида кўриш мумкин. Самарқанд шаҳрининг жамоат боғлари ҳисобланадиган Университет бульвари, Марказий истироҳат боғи (Амфитеатр ва Зобитлар боғи билан бирга), Темирйўл тумани истироҳат боғи, “Сўғдиёна” боғи, болалар кўли ва “Динамо” стадиони, Чўпон Ота тепаликларига икки боғ ва улардан ташқари боғдорчилик илмий тадқиқот институти, ўрмон хўжалиги, СамДУ боғи, пляжлар ягона ландшафт тизимини ташкил этмайди. Қўшиб ҳисоблаганда Самарқанд масштабидаги 2 -3 та шаҳарни таъминлаши мумкин бўлган табиий тоғлар этаклари, сойлар, чўмилиш ва истироҳат ҳавзалари, боғлари пала-партиш тарзда шаклланган.

Бизнингча Самарқанд ландшафтини Омонқўтон дараси, Оҳалик, миронқўл, Қоратепа сойлари, Зарафшон дарёси дараси Дарғом ва Булунғур каналлари манзарали, Оби Машҳад, Оби Раҳмат, Сиёб, Сиёбча, Чашма ва бошқа булоқлар, рельефининг баланд-пастлигисиз тушуниш нотўғри бўлади. Демак, Самарқандни азалдан Фирдавсмонанд қилиб келган табиий борлиқни ҳисобга олиб ягона антропоцентрик ландшафт лойиҳаси тузилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ер усти ва ер ости захираларининг шу мақсадга мувофиқ қисмининг балансини тузиб ариқ, ҳовуз, фаввора, сунъий кўллар орқали суғориш, сув сачратиш суғориш ерлари ва майдонлари харитаси тузилганлиги маъқул. Чунки, пала-партиш, илмий асосланмасдан, меъридан зиёд сув сачратиш суғоришга мўлжалланган ноанъанавий партер кўкаламзорлаштириши сувнинг ортиқча сарфидан ташқари ер ости сувларининг ва буғланишнинг ортиши ҳисобидан экологик номутаносибликка олиб келиши мумкин.

Ландшафт меъморчилиги тараққиётида мустақиллик йилларида Республикамизда бениҳоя катта ишлар амалга оширилди. Чунончи Тошкентдаги Наврўз боғи, Шаҳидлар хиёбони, Солор ёқаси ва Боғи Эрам, Акво парк, Ўзбекистон кўчасидаги сув ҳавзаси бунга мисол бўла олади. Фарғона, Хива, Термиз, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги баъзи бир бу соҳадаги ишлар ҳам диққатга сазовордир. Лекин уларнинг айримларида биз айтиб ўтган камчиликлар мавжуд ва шаҳарнинг ягона ландшафт муҳитини шакллантириш, соя соладиган ва манзарали дарахталрни ўз ўрнида қўллаш, мевали дарахт ва буталарни жойлаштириш, суғориш йўллари, бадий воситаларни қўллаш сингари соҳаларда тадқиқ этилиб, ишлаб чиқилишига ҳожат сезилмоқда. Бугун нисбатан оз қўлланилаётган тут ва тол дарахтларини бобокалонларимиз ер шўрини ва қирғоқ тупроқлари эрозиясини камайтириш мақсадида қўлланганликлари маълум. Мана шу сингари етарли ўрганилмаган ёки эътиборсиз қолаган масалалар талайгина.

Ландшафт меъморчилигини ривожлантиришни корчалонлик (коммерция) орқали амалга ошириш ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз лозим.

Бухоро тустовуғи парвариш қилинадиган Жомбой кўриқхонасида Зарафшон дарёси филтрациячи ҳисобидан пайдо бўлган кўлмаклар ва тўқайларда маҳаллий халқ ва туристлар томоша қиладиган Зарафшон форели ва бошқа сув қушлари, тустовуғи ўрчитиладиган кўриқхона-томошагоҳга айлантирилса нақадар яхши иш бўларди. Омонқўтон, Миронқул, Оксойда ҳам қоясуворий (скалалаз) ва алпинистлар ландшафт боғларини, каклик, бедана, булбул сингари маҳаллий сайроқи қушлар кўриқхоналарни ташкил этиш мумкин. Қаровсиз ётган Чопон Ота қирларининг Оби Раҳмат ариғи томонидан голф ёки чавғон ўйингоҳини тузиш учун қулай текисликлар бор. Ўша ерда шунга мос бир ландшафт комплекси жорий этилса туризм иқтисодиётини ривожлантиришнинг яна бир имкони туғиларди [31].

Ландшафт меъморчилигида ҳеч бир масала эътиборсиз қолмаслиги керак. Баъзи бир жойларда боғ ичида эски автомобил шиналаридан тўсиқлар қилинганлигини ёки кўлбола ҳайкаллар қўйилганлигини кўрамыз. Бу билан биз болаларда дидсизликни тарбиялаб қўймаймизми?

Бизнингча Самарқандда бажариладиган ҳар бир ландшафт элементи Регистон шуурига мос тушадиган бадиийликка эга бўлиши керак. Хулоса қилиб айтганда Самарқанд шаҳрининг бош меъморий режасини амалга ошириш ишлари олиб борилаётган айти кунларда, унинг бўлимлари таркибига атроф муҳит табиатини тадқиқ қилиб, унинг тоғлари, сойлари, тепаликлари, каналлари, булоқлари, боғлари, тарихий қарвон йўлларини ўзига қамраб олган ягона ландшафт харитасини тузиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Кўчатни қандай жойга экиш ва парвариш қилиш борасида ҳам айрим мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Аввало, қайси дарахт шўрбоб, қайсиси бўзбоблигини билиш керак. Бунда Самарқанд шаҳри ичига, кўча атрофларига, идоралар ҳовлилари ва истироҳат боғларига кўпроқ Қирим қарағайи, каштан, дуб, можавельник, липа сингари дарахт ва кўчатларни экиш ўринли.

Самарқанд шаҳри ерларича нотекис. Шунинг учун қирлик жойларга кўчатни зинапоя усулида экиш тавсия этилади. Бунда можевельник, шарк арчаси, шумтол маъқул саналади. Чунки, улар авало ҳавони яхши тозалайди, кўп кислород ишлаб чиқаради. Энг муҳими, қурғоқчиликка, шўрга чидамли. Дарвоқе, кўчатни экканда жойидан ковлаб олгач, 24-26 соат ичида ўтқазилш шарт. Уни экаётганда илдизида кўпроқ тупроқ бўлиши керак ва экилаётган жойининг чуқурлиги 70 см, эни эса 60 см атрофида бўлиши шарт. Сўнгра озроқ маҳаллий ўғит тупроққа аралаштирилиб бир челак сув билан сифатли қилиб экилади. Энг муҳими, кўчат ўтқазилгач, уни парваришсиз қолдирмаслик керак. Яъни, бир ҳафтагача ҳар икки кунда, иккинчи ҳафтадан кейин эса тўрт-беш кун ичида кўчат остида сув қуйиб, туриш керак. Саратонда эса икки йилгача беш кунда бир марта, кейинги йилларда эса 15-18 кунда бир марта суғориш тавсия этилади [24].

Туманлар ҳудудларида катта йўл ёқаларидаги суғориш мумкин бўлган жойларда, асосан терак, шунингдек чинор, каштан, қрим қарағайи экиш, суғориш қийин бўлган жойларда эса, тол, қайриғоч, сафора каби қурғоқчиликка чидамли бўлган дарахт кўчатларини экиш мақсадга мувофиқ. Масалан, теракнинг ижобий хусусиятлари кўп. Атроф-муҳитни чанг-уғубордан муҳофаза этишда унга тенг келадигани йўқ. 18-20 йиллик битта терак бир кеча кундузда инсон организми учун зарур бўлган 180 литр кислород ишлаб чиқаради. Толнинг ҳам фойдаси бисёр. Айниқса, табиий офатлардан муҳофаза қилишда толга тенг келадиган дарахт кам. Шунинг учун улар каналлар, ариқларнинг четларига экилса мақсадга мувофиқ. Негаки, у ерни емириб кетишдан сақлайди. Нураш-қум кўчиши, тупроқ ва ер кўчкилари, тошқин ва сел оқимлари каби хавфнинг олдини олади [19].

Қишлоқ атрофлари, фермер хўжалиги далаларига боровчи йўл ёқаларига тут эса бўлади. Чунки у ҳам атроф-муҳитга фойдали, ҳам манзарали ва ипак қурти учун озуқа.

Хуллас дарахт экиш, экканда ҳам унинг ўз ўрнини топиб экиш савоб. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси вилоятимизни, юртимизни яшилликка

буркаш ва гўзал боғ-роғлар яратишга хизмат қилади. Зеро, “Дунёни гўзаллик, саломатликни эса яшиллик кутқаради”.

### **III-боб хулосаси**

1. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри архитектураси ва шаҳарсозлигини ривожлантириш ишлари қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

- биринчи йўналиш бу шаҳар кўчалари, майдонлари, унинг энг нуфузли таркибий қисмларини Мустақиллигимиз ривожини, истиқлол мафкурасини, аҳолининг маиший турмуш тарзини ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тартибга тушириш бўлади;

- иккинчи йўналиш бу шаҳар ҳудуди бўлиб Янги ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосланган маиший-маданий турмуш, таълим-тарбия, илм-фан ва иқтисодий тараққиёт, саноат ва ишлаб чиқариш, бозор ва савдо объектларини кўриш ва жойлаштириш бўлди;

- учинчи йўналиш, бу шаҳарнинг тарихий қисмини, ундаг меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, қайта тиклаш, замонавий ижтимоий ва туризм мақсадларига мослаштириш ва шу йўл билан уларни келажак авлодлар учун асраб қолиш соҳасидаги ишлар бўлди;

-тўртинчи йўналишдаги ишлар эса аҳолининг дамолиши, шаҳар иқлими, экологияси ва ландшафт архитектурасини яхшилашга қаратилди, яъни ташқи очик муҳитни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш, янги боғ ва парклар, хиёбонлар ташкил қилиш ва шакллантириш бўлди.

2. Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси ўз ўрнидан энди туришга ўрганган тетропоия бола каби улғайиб келмоқда. Бироқ, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали олдиндаки, улар ўз навбатини кутиб турибди. Шулардан биринчиси, шаҳардаги умумий фойдаланишга мансуб ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштириш

ва майсазорлаштиришдир. Бунинг учун шаҳарда махсус гулчилик мактаби, кўкаламзорлаштириш коллежи ва яшил хўжалик комбинатларини ташкил қилишни таклиф қиламан. Шаҳардаги мавжуд яшил хўжалик комбинатининг сервис хизмати чекланган, уни ривожлантириш зарур.

Кўкаламзорлаштиришдаги асосий тамойил шундай бўлмоғи керакки, биз қандай ўсимликни (дарахт, бута, гул ёки майса турини) қаерга, қанча, қандай мақсадда ва қандай усулда, яъни қандай манзаравий ландшафт композициясида экишимиз зарурлигини билмоғимиз керак. Бунинг учун эса махсус ландшафт ва дендролойиҳалар ишланиши ва кўкаламзорлаштириш ишларини ўша лойиҳалар асосида бажармоқ зарур.

3. Самарқанд шаҳрининг марказий кўчалари ва майдонлари Мустақиллик йилларида олиб борилган бунёдкорлик ишлари туфайли шаклан инсонга уйғун, фуқаровий меъморий муҳитга айлантирилган. Масалан, кўчалар кенгайтирилди, текисланди, сунъий тўшамалар етказилди, кўкаламзорлаштирилди, мухандисона ободонлаштирилди. Унинг архитектураси эса ўзининг дастлабки муҳитига мос тарзда қайта тикланиб янада фуқаровийлашди. Бу ишларни бажаришда Президентимизнинг Самарқанд шаҳрига ташрифи ва шахсий ташаббуси катта роль ўйнайди.

4. Республикамиз мустақиллигига 20 йил тўлди. Бу йиллар ичида юртимизда жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Тарих олдидаги бу қисқа вақт Самарқанд шаҳри архитектураси ва шаҳарсозлигида олдинги даврлардан тубдан фарқ қиладиган алоҳида янгича меъморий йўналиш, бадиий услуб, яъни мустақиллик даври меъморий-ландшафт ва шаҳарсозлик стилининг шаклланиб улгуришига етарли даражада асос яратди.

5. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳарсозлиги ва архитектураси бобида жуда катта ўзгаришлар ва ижобий ишлар қилинди. Шаҳримизни иқтисодий ривожлантириш бош режаси асосида қисқа вақт ичида шаҳар йўлларини таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича катта ишлар бажарилди. Шаҳар қиёфаси, айниқса унинг эски шаҳар худудидаги меъморий ва шаҳарсозлик муҳити янги меъморий ва ландшафт кўринишини олди.

6. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси объектларига хос меъморий-композициявий ва ландшафт-манзаравий хусусиятлар асосан қуйидагилардан иборат:

- боғлар ва парклар архитектурасида масштабlilik ва яхлитликка эришиш, режавий композицияда аксарият ҳолларда мунтазам симметрияли тартибли режавий қонунларга асосланиш;

- очик яшил майдонларни кўкаламзорлаштиришда асосан яшил партерлар услубидан фойдаланиш, фавворалар ўрнатиш, янги тўшамалар, боғ-парк мебеллари ва жиҳозлари, хайкаллар ўрнатиш, кириш-чиқиш дарвозаларини бўрттириш ва янги панжаралар ўрнатиш;

- ёпик яшил майдонларни шакллантиришда асосан карағайзорлар, сохта каштан, дуб, можжевельник, кипарис ва биота дарахтларининг қўлланилиши;

- боғ-парк дизайни элементларининг шаклланиши;

- боғ-парк архитектурасида тўқ ва тўйинтирилган полихром рангларнинг ишлатилиши.

7. Ландшафт архитектурасида Янги технологияларни қўллаш, хусусан очик яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюорлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, ландшафт архитектураси объектлари ҳудудининг тўшамаларига ётқизиладиган ўзидан нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали шаҳримиз ландшафт архитектурасининг сифатига янгича оҳанг баҳишлашимиз мумкин;

- Парклар, очик ва ёпик яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз;

- Шаҳримизнинг иссиқ ва қуруқ иқлими ва ёзнинг узоқ кечишини ҳисобга олиб, шаҳар ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда ва боғ-паркчилик

санъатимизда ”шабада” самарасига эришиш имкониятларидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир;

- Шаҳардаги нуфузли жамоат бинолари олдилари ва пиёдалар кўчаларини кўкаламзорлаштиришда контейнерларда ўсадиган гулзорларнинг турли хил декоратив композицияларини қўллаш орқали очик муҳитлар архитектурасининг савиясини юқори даражаларга кўтариш таклиф қилинади.

## ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

1. Республикамиз мустақиллигига 20 йил тўлди. Бу йиллар ичида юртимизда жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Тарих олдидаги бу қисқа вақт Самарқанд шаҳри архитектураси ва шаҳарсозлигида олдинги даврлардан тубдан фарқ қиладиган алоҳида янгича меъморий йўналиш, бадиий услуб, яъни мустақиллик даври меъморий-ландшафт ва шаҳарсозлик стилининг шаклланиб улгуришига етарли даражада асос яратди.

2. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳарсозлиги ва архитектураси бобида жуда катта ўзгаришлар ва ижобий ишлар қилинди. Шаҳримизни иқтисодий ривожлантириш бош режаси асосида қисқа вақт ичида шаҳар йўллари таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича катта ишлар бажарилди. Шаҳар қиёфаси, айниқса унинг эски шаҳар ҳудудидаги меъморий ва шаҳарсозлик муҳити янги меъморий ва ландшафт кўринишини олди.

3. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси объектларига хос меъморий-композициявий ва ландшафт-манзаравий хусусиятлар асосан қуйидагилардан иборат:

- боғлар ва парклар архитектурасида масштабlilik ва яхлитликка эришиш, режавий композицияда аксарият ҳолларда мунтазам симметрияли тартибли режавий қонунларга асосланиш;

- очик яшил майдонларни кўкаламзорлаштиришда асосан яшил партерлар услубидан фойдаланиш, фавворалар ўрнатиш, янги тўшамалар, боғ-парк мебеллари ва жиҳозлари, ҳайкаллар ўрнатиш, кириш-чиқиш дарвозаларини бўрттириш ва янги панжаралар ўрнатиш;

- ёпиқ яшил майдонларни шакллантиришда асосан қарағайзорлар, сохта каштан, дуб, можжевельник, кипарис ва биота дарахтларининг қўлланилиши;

- боғ-парк дизайни элементларининг шаклланиши;

- боғ-парк архитектурасида тўқ ва тўйинтирилган полихром рангларнинг ишлатилиши.

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида келажакда Самарқанд шаҳрида ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар конвертини тавсия этамиз:

### **1. Ташкилий-маъмурий чора-тадбирлар.**

Самарқанд вилоят ҳокими ва ҳокимлик, шаҳар ҳокимлиги ва шаҳардаги барча мутасадди ташкилотлар, шу жумладан матбуот, телеведения, радио ва ҳуқуқий органлар ҳам ландшафт архитектураси ва уни ривожлантиришни энг муҳим ҳаётий заруратлардан бири деб тушуниши, бунинг учун ўзларини жавобгар шахс деб билишлари лозим.

Бунинг учун эса Самарқанд шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш департаменти тизими, шаҳарга хизмат кўрсатувчи питомник ва ўрмон хўжаликлари ва улардаги кадрлар структураси қайта кўриб чиқилиши ва аттестациядан ўтказилиши зарур.

Маълумки, Самарқанд шаҳрида республикамизнинг бошқа кўпгина шаҳарларидаги каби “гул сайллар” шоуси, конкурси ўтказилиб турилади. Унга шаҳримизда хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган ўндан зиёд турли “гулчи” оилалар ўзлари етиштирган гул коллекциялари билан қатнашадилар. Ана шу устамон гулчиларни йиғиб, уларнинг ассоциациясини, яъни акционерлик жамиятини ёхуд “шаҳар гулчилик маркази” –хўжалик фирмасини ташкил этишни, бу фирмада нафақат ташқи очик майдонларга экиладиган ўсимликлар гуруҳини ташкил этишни, балки контейнерларга экилиб ўстирилган тайёр гулларни сотишни ҳам ташкил қилиш зарур. Демак, бу фирма ўзларига чиройли гул контейнерларини тайёрлашни ҳам йўлга қўйишлари зарур.

Собиқ Иттифоқ даврида Самарқанд шаҳрида “Комбинат зелёного хозяйства” деган ишлаб чиқариш хўжалик ташкилоти мавжуд эди. У шаҳарда жойлашган чой фабрикасидан кейин темир йўл вокзалига боровчи, ҳозирги Беруний кўчасининг ўнг томонига бурилиб, тахминан 2 гектарга яқин

худудни эгаллаган эди. Унинг гулчилик билан шуғулланадаган бир қанча ер усти ва ертўла шаклидаги махсус йирик теплицалари ва магазини бор эди. Уларда юзлаб, хатто минглаб турли - туман гуллар етиштирилар ва сотилар эди. Гулларнинг кўпқилиги торфдан ишланган “стакан”чаларда ўстирилар эди.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда бу ажойиб хўжалик жойи “Самарқанд холдинг” ташкилотига сотиб юборилган. Бундай ишлар Самарқанд шаҳар ландшафт архитектурасини ривожлантириш ишларига болта уриш эмас-ми!?

Бошқача сўз билан айтганда, Самарқанд илгари мавжуд бўлган “Комбинат зелёного хозяйства” ишлаб чиқариш ташкилотини қайта тиклаб, унинг ишларини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Чет мамлакатлардан, жумладан Голландиядан қиммат гулларни сотиб олиб келиш ўрнига уларни шу ерга ўстириш ва тайёрлаш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун эса ўша чет мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатиш керак.

Самарқанд ландшафт архитектураси объектларини лойихалаш ва уларни такомиллаштириш билан шуғулланувчи лицензияли махсус фирма тузишни таклиф қиламиз. Бу фирма ўз ишини Самарқанд шаҳри архитектура бўлими, ободонлаштириш департаменти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон меъморлар уюшмаси қошида ташкил этилган ботаника институти ва боғи, СамДАҚИ билан ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

## **2.Ландшафт архитектурасидан малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар:**

Ландшафт архитектураси ва уни ривожлантириш билан боғлиқ мутахассис кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳа бўйича таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги агрономия касб-хунар коллежларида махсус бўлимлар очиб, уларни коллежда ландшафт архитектураси амалиётига мослаб алоҳида мутахасислашган коллежга айлантириш зарур. СамДАҚИда тайёрланаётган «Ландшафт архитектураси» таълим йўналиши ва мутахасислигида эса сифат даражасини кўтаришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Фонд форум ва Республика ёшлар маркази “Келажак овози” конкурслари номинациясига “Ландшафт архитектураси”ни алоҳида киритиш зарур.

### **3. Ландшафт архитектурасини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар:**

- Ландшафт архитектурасида Янги технологияларни қўллаш, хусусан очик яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюорлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, ландшафт архитектураси объектлари ҳудудининг тўшамаларига ётқизиладиган ўзидан нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали шаҳримиз ландшафт архитектурасининг сифатига янгича оҳанг баҳишлашимиз мумкин;

- Парклар, очик ва ёпиқ яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз;

- Шаҳримизнинг иссиқ ва қуруқ иқлими ва ёзнинг узок кечишини ҳисобга олиб, шаҳар ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда ва боғ-паркчилик санъатимизда ”шабада” самарасига эришиш имкониятларидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир;

- Шаҳардаги нуфузли жамоат бинолари олдилари ва пиёдалар кўчаларини кўкаламзорлаштиришда контейнерларда ўсадиган гулзорларнинг турли хил декоратив композицияларини қўллаш орқали очик муҳитлар архитектурасининг савиясини юқори даражаларга кўтариш таклиф қилинади;

- Инсонлар томонидан ўзгартирилган, антропоген, аниқроғи маданий ландшафтда биргина табиат компонентларидан фойдаланиш бир ёқлама иш бўлиб, ландшафт композициясининг эркин жонли табиатдан деярли фарқи қолмайди. Албатта, бунда ҳам чиройли, қутилмаган ечимлар, табиатнинг баъзи экзотик фрагментларидек ракурслар топилса, бу ландшафт архитекторларининг катта ютуғи ҳисобланади, аммо бундай

композицияларда, ландшафт ечимларида инсон томонидан яратилаётган турли-туман: техник курилмалар, ҳайкалторошлик, хунармандчилик элементлари ўз ўрнида қўлланилса, юқоридаги композициялар янада бой, тўлақонли ва чиройли бўлади. Ана шу мақсадда замонавий парк ва боғларда қўлланиладиган клумбаларда, агар уларнинг майдони кичикроқ (ўлчамлари 3 x 3 м ёки диаметри 3-4 метргача) бўлса, ўртасидаги доминант гул-буталар ўрнига ҳамда нисбатан каттароқ клумбалар марказига гуллайдиган ёки чиройли шаклдаги бута, паст бўйли дарахтлар (форзиция, япон бехиси, сурия атиргули, магнолия, япон тути, софора) ёки формовка қилинган бута ва дарахтлар (шамшод, бересклет, сарв, можжевельник, арча) экилиб, клумбанинг бурчаклари кесишган нуқталарга яқин жойларга, гуллар ва ўсимликларга контраст бўлган декоратив ҳайкалчалар, кулолчилик маҳсулотларини қўйишни стилизацияланган кўза, абстракт композицияларга эга рамзий шакллар беришни таклиф қиламиз;

- Шахарни дарахтлар экиб ободонлаштиришда турли хил дарахтларни аралаш ҳолда экишни, кўпроқ маҳаллий дарахтлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Маҳаллий дарахт турларидан садақайрағоч (гужум) деярлик экилмай келмоқда. Чиройли юмалоқ шар шаклини ҳосил қиладиган ва қалин баргларида куюқ соя берувчи, совуқликка ўта чидамли бу дарахтни манзара берувчи тур сифатида истироҳат боғларига, тепалик ёнбағирларига, ариқлар ёнларига экса маъқул иш бўларди. Истироҳат боғларига алоҳида терак ва толзорлар, гужумзорлар, заранг, арғувонзорлар, каштанзорлар ташкил қилинса, шулар орасида арчазорлар ва қарағайзорлар ҳам бўлиши мумкин. Дам олувчилар ўзлари танлаб қайси “дарахтзорлар” маъқул бўлса ўшалар тагида дам олишади.

- Вақти келиб шаҳримизни кесиб ўтадиган йирик ариқлар ( Сиёб, Жарариқ ва бошқалар) ҳам тозаланиб атрофларида сайр қилинадиган кичик боғлар ташкил қилинади. Катта ариқлар, жарликлар ўзига хос рельеф шаклларига эга бўлиб, уларни ободонлаштиришда ўзига хос ландшафт – манзара беришни тақозо этади. Сой тагида мажнунтол, оқ ва кўк тераклар,

жийда, дўлана, акациянинг баъзи турлари, чинор, каштан, мевали дарахтлар экиш мумкин. Тик ёнбағирларга арча, акация, айлант, мевали дарахтлардан гилос, олма, ўрик экилгани маъқул.

- Томчилатиб суғориш йўли билан тепалик жойни тўлиқ ўзлаштириш, курғоқчиликка, совуққа чидамли маҳаллий дарахт ва буталарни жой рельефига мос жойлаштириш масалаларини, Чўпонота тепалигининг атрофларига уч қатор қилиб садақайрағоч (гужум), каштан аралаш экиш, сойларга эса жийда, бодом, учқат, дўлана, ёввойи гилос, наматак, қир тепаларига арча экиш, текис майдонларда гулзорлар ташкил қилиш масалаларини кўтариш мақсадга мувофиқдир.

- Самарқанд шаҳридаги марказий парkning умумий майдони 20 гектарни ташкил қилади. Шаҳардаги мавжуд Темир йўл тумани парки, Суғдиёна ва Саттепо массивларидаги паркларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда улар 50 гектар майдонга эга. Бу меъёрий нуқтаи назардан жуда кам, яъни 36% ни ташкил қилади. Шунинг учун биз ҳозирги Ахунбабаев кўчасига бириккан ва шаҳар қурилишига ноқулай бўлган умумий майдони 38 гектарлик жойда қўшимча тарзда шаҳар аҳолиси учун янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил қилишни таклиф этамиз. Ана шундай таклиф билан СамДАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида “Ландшафт архитектураси” фанидан курс лойиҳаси бажарилган. Ушбу лойиҳани асос қилиб олган ҳолда масалани малакавий тарзда ечиб, уни шаҳар ҳокимияти олдига қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Бизнингча Самарқанд шаҳрида бажариладиган ҳар бир ландшафт элементи тарихий шаҳар шуурига мос тушадиган бадиийликка эга бўлиши керак. Шундай экан Самарқанд шаҳрининг бош меъморий режасини амалга ошириш ишлари олиб борилаётган айни кунларда, унинг бўлимлари таркибига шаҳар атрофидаги мавжуд табиий ландшафтни тадқиқ қилиб, унинг тоғлари, сойлари, тепаликлари, каналлари, булоқлари, боғлари, тарихий қарвон йўлларини ўзига қамраб олган ягона ландшафт харитасини

тузиш, яъни ландшафт режалаштириш ишлари билан ҳам шуғулланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Самарқанд шаҳри ва вилоятининг мустақиллик йилларидаги архитектураси ва шаҳарсозлигига назар ташлар эканмиз, жуда қисқа вақт ичида эътиборга молик кўп ижобий ишлар бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Биз юқорида Мустақиллик даврида Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг шаклланишида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида мухтасар тўхтаб ўтдик, ютуқларни мустаҳкамлаш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимни баҳоли кудрат билдирдик. Энди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, ҳокимиятлардаги архитектура ва шаҳарсозлик бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ва, ниҳоят, шаҳар архитекторлари ушбу мулоҳазалар ва фикрларга ўз нигоҳларини қаратар деган умиддамиз.

Ишончимиз комилки, бизнинг тадқиқотимизда аниқланган ушбу анъаналар, меъморий йўналишлар ва ижодий услублар Самарқанд шаҳри ва вилоятининг яқин келажакдаги ландшафт архитектураси тараққиёти учун дастури амал бўлиб хизмат қилади ва улар яқин йиллар ичида ўз мавқеини йўқотмайди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Каримов И.А.** Ватан барчамиз учун муқаддасдир. – Тошкент, 1996.
2. **Каримов И.А.** Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қўраимиз. 7-том. - Тошкент, 1999.
3. **Каримов И.А.** Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент, 2007.
4. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент, 2009.
5. **Адилова Л.А.** Миссия ландшафтной архитектуры. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий–амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.
6. **Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2000.
7. **Бурлуцкая Л. В., Петрова С.Г.** Каменныестые сады. - М. -Р.н.Д., 2005.
8. **Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С.** Ландшафтное проектирование. - М.1991.
9. **Гарнизоненко Т.С.** Справочник современного ландшафтного дизайна. – Ростов – на - Дону, 2005.
10. **Генрих Бельц.** Фигурная стрижка деревьев. - М., 2008.
11. **Горбачев В.Н.** Архитектурно-художественные компоненты озеленения городов.- М., 1983.
12. **Голлвисцер Г., Вирсинг В.** Сады на крышах.- М., 1972.
13. **Домидонтова В.В.** История садово-парковых стилей. Учебное пособие. - М., 1985
14. **Жонузоқов А.Э.** Дарахт ва буталарни ландшафт композициясида ўзаро қўллаш. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.
15. **Жонузоқов А.Э, Ўрунова Н.Х.** Ландшафт композициясида бадий хунармандчилик элементларининг ўрни. // Ўзбекистон анъанавий

меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.

**16. Залеская Л.** Озеленения городов Средней Азии. Академия Архитектуры СССР, - М., 1944.

**17. Залеская Л.С., Микулина Е.М.** Ландшафтная архитектура. - М., 1979.

**18. Камилова Х.Х.** Необходимость новых концепций паркостроения в условиях рыночных отношений Узбекистана. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010.

**19. Кларк Э.** Искусство исламского сада. // пер. с. англ. - М.: “Ниола-Пресс”, 2008.

**20. Крижановская Н.Я.** Основы ландшафтного дизайна.–Ростов – на - Дону, 2005.

**21. Лихачев Д.С.** Поэзия садов. - Л., 1982.

**22. Машинский В.Л.** История ландшафтной архитектуры. - М., 2006.

**23. Норбўтаев Ф.** “Самарқанд” газетаси. 5-март сони. 2010 й.

Ҳалқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.

**24. Писарчик А.К.** Народная архитектура Самарканда. – Душанбе, 1975.

**25. Приходько П.И.** Ландшафтная композиция малого сада. - Киев, 1976.

**26. Рюи Гансалес де-Клавихо.** «Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403-1406 гг» Перевод под редакцией И.И. Срезневского.– СП/Пб., 1881.

**27. Сатторов Т.** Самарқанд кўркининг жамоли. // Самарқанд газетаси. №1. 2010.

**28. Сирожев У.** Самарқанднинг қайта туғилиши. // Зарафшон газетаси. № 1. 2010.

**29. Сатторова К.Д.** Роль источников водоснабжения в формировании ландшафта исторических городов Узбекистана. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги республика илмий – амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд, 2010.

**30. Сычева А.В.** Ландшафтная архитектура. – М., 2007.

**31. Уралов А.С.** Анъанавий ўзбек боғининг маънавий дастурини яратиш ҳақида. // Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.-Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.

**32. Уралов А.С.** Шарқ мамлакатларининг боғ-парк санъати. – Самарқанд, 2011.

**33. Қурбонов Ў.** Самарқанд бунёдкорларининг тухфаси. // Самарқанд газетаси. №2. 2010.

**34. Ҳайдаров А.** Уйларимиз қиёфаси. “Зарафшон” газетасининг 2011 йил 26 март сони.

#### **Интернет сайтлари**

**35. [http:// www. Landstyle.ru](http://www.Landstyle.ru)**

**36. [sad@sad.ru](mailto:sad@sad.ru)**

**37. [http:// www.sadtorg.ru](http://www.sadtorg.ru)**

**38. [www\\_uznature\\_uz.hiv](http://www.uznature_uz.hiv)**

**39. [www.Gardener.ru](http://www.Gardener.ru)**

**40. [www.http://landscape design.ru](http://landscape design.ru)**



АДИЛОВА Д.

**Хурматли Давлат аттестация комиссиясининг раиси ва аъзолари, узтозлар!**

Ландшафт архитектураси – бу очик масканлар архитектураси ҳисобланиб, атроф муҳитни ўсимликлар, сув ҳавзалари, ер рельефи, табиий тошлар, меъморий қурилмалар, ташқи ободонлаштириш элементлари ёрдамида муайян мақсадларга мослаштириш, бадиий ландшафт шакллантириш ва лойиҳалаш санъати демакдир. Ландшафт архитектураси меъморий шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, ўз ичига меъморий ландшафт яратиш амалиётининг назарий асосларини ҳам қамраб олади.

Бугун Самарқанд шаҳрини улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Шаҳарнинг кўплаб кўча ва хиёбонларида кенг кўламли бунёдкорлик-қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Янги турар-жой, маъмурий бинолар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, атрофи обод этилаётир. Шаҳримизнинг тарихий улуғлигига мос равишда кун сайин замонавий ва кўкамлашиб бораётганлигини кўриб қалбимиз ғурурга тўлмоқда.

Республикамиз Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 27-январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш–устивор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29-январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда юқорида таъкидланган муаммонинг ечимларини топиш ва уни ҳаётга оғишмай жорий қилиш республикамиз ва Самарқанд шаҳри архитекторлари ва бу соҳа мутахасислари олдида катта вазифалар қўйди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб ва аҳолининг яшаш жойларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг дам олишлари учун атроф муҳит меъморий-ландшафт ечимларини замонавий талаблар даражасига кўтариш, айниқса жаҳон туристик шаҳарлари тизимига кирган Самарқанд шаҳрининг ташқи қиёфаси, очик муҳитлар архитектурасини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

**Мавзунинг фандаги ўрганилиш даражаси.** Диссертацияда кўтарилган мавзу архитектура назарияси ва тарихи, шаҳарсозлик, ландшафт архитектураси ва моддий маданиятимиз соҳаси билан боғлиқ илмий адабиётларда у ёки бу даражада ўрганилган бўлса-да, алоҳида диссертация кўринишидаги тадқиқот сифатида шу чоққача илмий жиҳатдан кенг қамровли ўрганилмаган. Биз ўрганаётган соҳага таалуқли илмий ишлар Т.Ф.Қодирова, А.С.Уралов, К.Д.Рахимов, М.К.Ахмедов, Д.А.Нозилов, Е.М.Массон, Р.И.Ремпель, В.А.Нильсен, К.С.Крюков, Э.Н.Негматов, Л.А.Адилова каби олимларнинг ишларида учрайди.

Бироқ, таъкидлаш керакки, ушбу олимларнинг ишларида ҳам бизгача сақланмаган Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси масалалари, айниқса, Мустақиллик йилларида бу соҳада амалга оширилган ёки оширилиш керак бўлган ишлар таҳлилига тўхталиб ўтилмаган. Президентимиз И.Каримов ҳар сафар Самарқандга ташриф буюрганларида нафақат шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, балки шаҳар архитектураси, шаҳарсозлик муаммоларига ва ландшафт меъморчилигининг савиясини ошириш, шаҳарни туристлар шаҳрига

айлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтадилар. Бу эса мазкур диссертациянинг мақсад ва вазифаларини асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертациянинг мақсади.** Самарқанд шаҳрининг қадимги ва ўрта асрлардаги, Собиқ Иттифоқ даври ва Мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси меросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Самарқанд шаҳри замонавий ландшафт архитектурасининг истиқболдаги илғор йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидагилардан иборат бўлди:

-Қадимги ва ўрта асрлардаги Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасини ўрганиш;

-Самарқанд шаҳрининг Собиқ Иттифоқ давридаги ландшафт архитектурасини ёритиб бериш, бу соҳада эришилган ютуқлар ва камчиликларни очиб бериш;

-Собиқ Иттифоқ даври ландшафт архитектураси объектларининг типологик хусусиятларини ўрганиш;

-Самарқанд шаҳрида Мустақиллик йилларида ландшафт архитектураси бобида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

-Самарқанд шаҳри замонавий ландшафт архитектурасининг истиқболдаги илғор йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг янгилиги.** Мазкур ишда Самарқанд шаҳрининг ландшафт архитектураси илк бор магистрлик диссертация шакли ва ҳажмида илмий тадқиқот остига олинган ва, энг муҳими, унда Самарқанд шаҳри замонавий ландшафт архитектурасининг истиқболли йўналишлари илк бор аниқланган ва уларни ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг аҳамияти.** Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси объектлари ва шаҳардаги очиқ муҳитлар архитектурасини юқори даражага кўтариш ва уларнинг меъморий – бадиий ва ландшафт композициявий ечимларини такомиллаштириш орқали шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари, сайёҳлар эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

**Диссертациянинг таркиби** кириш, 3 та боб, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан тузилган. Ишнинг ҳажми \_\_\_ бетдан иборат.

Диссертациянинг I-боби **“Қадимги ва ўрта асрларда Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси”** деб аталиб, унда қадимги даврда Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг шаклланиши, ўрта асрларда Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг ривожланиши, Самарқандда Чор Россияси даври ландшафт архитектураси масалалари ўрганиб чиқилиб, тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг **“Самарқанд шаҳрининг Собиқ Иттифоқ давридаги ландшафт архитектураси”** деб аталиб, унда Собиқ Иттифоқ даврида ландшафт архитектурасидаги ўзгаришлар, Собиқ Иттифоқ даври боғ-парклари ва уларга хос хусусиятлар, Ландшафт архитектурасига хос бошқа объектлар ўрганилган.

**“Самарқанд шаҳрининг мустақиллик йилларидаги ландшафт архитектураси ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар”** деб аталган мазкур диссертациянинг III-бобига киритилиб, унда Мустақиллик йилларида яратилган боғ-парклар, шаҳар майдонлари ва кўчаларининг ландшафт архитектураси, Жамоат

бинолари атрофларининг ландшафт архитектураси, меъморий ёдгорликлар худудларининг ландшафт архитектураси, ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича амалий таклифлар, Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофи ландшафт масканларини минтақавий комплекс ечиш муаммолари ўрганилган ва тадқиқ қилинган.

Диссертация якуний хулосалар қисмида илмий ишнинг натижалари ва таклиф берилган. улар қуйидагилардан иборат:

1. Республикамиз мустақиллигига 20 йил тўлди. Бу йиллар ичида юртимизда жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Тарих олдидаги бу қисқа вақт Самарқанд шаҳри архитектураси ва шаҳарсозлигида олдинги даврлардан тубдан фарқ қиладиган алоҳида янгича меъморий йўналиш, бадиий услуб, яъни мустақиллик даври меъморий-ландшафт ва шаҳарсозлик стилининг шаклланиб улгуришига етарли даражада асос яратди.

2. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳарсозлиги ва архитектураси бобида жуда катта ўзгаришлар ва ижобий ишлар қилинди. Шаҳримизни иқтисодий ривожлантириш бош режаси асосида қисқа вақт ичида шаҳар йўлларини таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича катта ишлар бажарилди. Шаҳар кифоаси, айниқса унинг эски шаҳар худудидаги меъморий ва шаҳарсозлик муҳити янги меъморий ва ландшафт кўринишини олди.

3. Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳри ландшафт архитектураси объектларига хос меъморий-композициявий ва ландшафт-манзаравий хусусиятлар асосан қуйидагилардан иборат:

- боғлар ва парклар архитектурасида масшаблилиқ ва яхлитликка эришиш, режавий композицияда аксарият ҳолларда мунтазам симметрияли тартибли режавий қонунларга асосланиш;

- очиқ яшил майдонларни кўкаламзорлаштиришда асосан яшил партерлар услубидан фойдаланиш, фавворалар ўрнатиш, янги тўшамалар, боғ-парк мебеллари ва жиҳозлари, ҳайкаллар ўрнатиш, кириш-чиқиш дарвозаларини бўрттириш ва янги панжаралар ўрнатиш;

- ёпиқ яшил майдонларни шакллантиришда асосан қарағайзорлар, сохта каштан, дуб, можжевельник, кипарис ва биота дарахтларининг қўлланилиши;

- боғ-парк дизайни элементларининг шаклланиши;

- боғ-парк архитектурасида тўқ ва тўйинтирилган полихром рангларнинг ишлатилиши.

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида келажакда Самарқанд шаҳрида ландшафт архитектурасини ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар конвертини тавсия этамиз:

### **1. Ташкилий-маъмурий чора-тадбирлар.**

Самарқанд вилоят ҳокими ва ҳокимлик, шаҳар ҳокимлиги ва шаҳардаги барча мутасадди ташкилотлар, шу жумладан матбуот, телеведения, радио ва ҳуқуқий органлар ҳам ландшафт архитектураси ва уни ривожлантиришни энг муҳим ҳаётий заруратлардан бири деб тушуниши, бунинг учун ўзларини жавобгар шахс деб билишлари лозим.

Бунинг учун эса Самарқанд шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш департаменти тизими, шаҳарга хизмат кўрсатувчи питомник ва ўрмон хўжаликлари ва улардаги кадрлар структураси қайта кўриб чиқилиши ва аттестациядан ўтказилиши зарур.

Маълумки, Самарқанд шаҳрида республикамизнинг бошқа кўпгина шаҳарларидаги каби “гул сайллар” шоуси, конкурси ўтказилиб турилади. Унга шахримизда хусусий тарзда фаолият кўрсатаётган ўндан зиёд турли “гулчи” оилалар ўзлари етиштирган гул коллекциялари билан қатнашадилар. Ана шу устамон гулчиларни йиғиб, уларнинг ассоциациясини, яъни акционерлик жамиятини ёхуд “шаҳар гулчилик маркази” –хўжалик фирмасини ташкил этишни, бу фирмада нафақат ташқи очиқ майдонларга экиладиган ўсимликлар гуруҳини ташкил этишни, балки контейнерларга экилиб ўстирилган тайёр гулларни сотишни ҳам ташкил қилиш зарур. Демак, бу фирма ўзларига чиройли гул контейнерларини тайёрлашни ҳам йўлга қўйишлари зарур.

Собиқ Иттифоқ даврида Самарқанд шаҳрида “Комбинат зелёного хозяйства” деган ишлаб чиқариш хўжалик ташкилоти мавжуд эди. У шаҳарда жойлашган чой фабрикасидан кейин темир йўл вокзалига боровчи, ҳозирги Беруний кўчасининг ўнг томонига бурилиб, тахминан 2 гектарга яқин худудни эгаллаган эди. Унинг гулчилик билан шуғулланадаган бир қанча ер усти ва ертўла шаклидаги махсус йирик теплицалари ва магазини бор эди. Уларда юзлаб, ҳатто минглаб турли - туман гуллар етиштирилар ва сотилар эди. Гулларнинг кўпқилиги торфдан ишланган “стакан”чаларда ўстирилар эди.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда бу ажойиб хўжалик жойи “Самарқанд холдинг” ташкилотига сотиб юборилган. Бундай ишлар Самарқанд шаҳар ландшафт архитектурасини ривожлантириш ишларига болта уриш эмас-ми!?

Бошқача сўз билан айтганда, Самарқанд илгари мавжуд бўлган “Комбинат зелёного хозяйства” ишлаб чиқариш ташкилотини қайта тиклаб, унинг ишларини ҳар томонлама ривожлантириш зарур. Чет мамлакатлардан, жумладан Голландиядан қиммат гулларни сотиб олиб келиш ўрнига уларни шу ерга ўстириш ва тайёрлаш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун эса ўша чет мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатиш керак.

Самарқанд ландшафт архитектураси объектларини лойихалаш ва уларни такомиллаштириш билан шуғулланувчи лицензияли махсус фирма тузишни таклиф қиламиз. Бу фирма ўз ишини Самарқанд шаҳри архитектура бўлими, ободонлаштириш департаменти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон меъморлар уюшмаси қошида ташкил этилган ботаника институти ва боғи, СамДАҚИ билан ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

## **2. Ландшафт архитектурасидан малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар:**

Ландшафт архитектураси ва уни ривожлантириш билан боғлиқ мутахассис кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳа бўйича таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги агрономия касб-ҳунар коллежларида махсус бўлимлар очиб, уларни коллежда ландшафт архитектураси амалиётига мослаб алоҳида мутахассислашган коллежга айлантириш зарур. СамДАҚИда тайёрланаётган «Ландшафт архитектураси» таълим йўналиши ва мутахассислигида эса сифат даражасини кўтаришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Фонд форум ва Республика ёшлар маркази “Келажак овози” конкурслари номинациясига “Ландшафт архитектураси”ни алоҳида киритиш зарур.

## **3. Ландшафт архитектурасини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар:**

- Ландшафт архитектурасида Янги технологияларни қўллаш, хусусан очиқ яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида

замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бардюлар, гирляндлар, нурланувчи соябонлар, ландшафт архитектураси объектлари худудининг тўшамаларига ётқизиладиган ўзидан нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали шаҳримиз ландшафт архитектурасининг сифатига янгича оҳанг баҳишлашимиз мумкин;

- Парклар, очик ва ёпик яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий кадриятлари асосида шакллантиришда тарихий синалган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз;

- Шаҳримизнинг иссиқ ва қуруқ иқлими ва ёзнинг узоқ кечишини ҳисобга олиб, шаҳар худудларини кўкаламзорлаштиришда ва боғ-паркчилик санъатимизда ”шабада” самарасига эришиш имкониятларидан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир;

- Шаҳардаги нуфузли жамоат бинолари олдилари ва пиёдалар кўчаларини кўкаламзорлаштиришда контейнерларда ўсадиган гулзорларнинг турли хил декоратив композицияларини қўллаш орқали очик муҳитлар архитектурасининг савиясини юқори даражаларга кўтариш таклиф қилинади;

- Инсонлар томонидан ўзгартирилган, антропоген, аниқроғи маданий ландшафтда биргина табиат компонентларидан фойдаланиш бир ёклама иш бўлиб, ландшафт композициясининг эркин жонли табиатдан деярли фарқи қолмайди. Албатта, бунда ҳам чиройли, кутилмаган ечимлар, табиатнинг баъзи экзотик фрагментларидек ракурслар топилса, бу ландшафт архитекторларининг катта ютуғи ҳисобланади, аммо бундай композицияларда, ландшафт ечимларида инсон томонидан яратилаётган турли-туман: техник қурилмалар, ҳайкалторошлик, ҳунармандчилик элементлари ўз ўрнида қўлланилса, юқоридаги композициялар янада бой, тўлақонли ва чиройли бўлади. Ана шу мақсадда замонавий парк ва боғларда қўлланиладиган клумбаларда, агар уларнинг майдони кичикроқ (ўлчамлари 3 x 3 м ёки диаметри 3-4 метргача) бўлса, ўртасидаги доминант гул-буталар ўрнига ҳамда нисбатан катгароқ клумбалар марказига гуллайдиган ёки чиройли шаклдаги бута, паст бўйли дарахтлар (форзиция, япон беҳиси, сурия атиргули, магнолия, япон тути, софора) ёки формовка қилинган бута ва дарахтлар (шамшод, бересклет, сарв, можжевельник, арча) экилиб, клумбанинг бурчаклари кесишган нуқталарга яқин жойларга, гуллар ва ўсимликларга контраст бўлган декоратив ҳайкалчалар, кулолчилик маҳсулотларини қўйишни стилизацияланган кўза, абстракт композицияларга эга рамзий шакллар беришни таклиф қиламиз;

- Шаҳарни дарахтлар экиб ободонлаштиришда турли хил дарахтларни аралаш ҳолда экишни, кўпроқ маҳаллий дарахтлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Маҳаллий дарахт турларидан садақайрағоч (гужум) деярлик экилмай келмоқда. Чиройли юмалоқ шар шаклини ҳосил қиладиган ва қалин баргларида куюқ соя берувчи, совуқликка ўта чидамли бу дарахтни манзара берувчи тур сифатида истироҳат боғларига, тепалик ёнбағирларига, ариқлар ёнларига экса маъкул иш бўларди. Истироҳат боғларига алоҳида терак ва толзорлар, гужумзорлар, заранг, арғувонзорлар, каштанзорлар ташкил қилинса, шулар орасида арчазорлар ва қарағайзорлар ҳам бўлиши мумкин. Дам олувчилар ўзлари танлаб қайси “дарахтзорлар” маъкул бўлса ўшалар тагида дам олишади.

- Вақти келиб шаҳримизни кесиб ўтадиган йирик ариқлар ( Сиёб, Жарариқ ва бошқалар) ҳам тозаланиб атрофларида сайр қилинадиган кичик боғлар ташкил қилинади. Катта ариқлар, жарликлар ўзига хос рельеф шаклларига эга бўлиб,

уларни ободонлаштиришда ўзига хос ландшафт – манзара беришни тақозо этади. Сой тагида мажнунтол, оқ ва кўк тераклар, жийда, дўлана, акациянинг баъзи турлари, чинор, каштан, мевали дарахтлар экиш мумкин. Тик ёнбағирларга арча, акация, айлант, мевали дарахтлардан гилос, олма, ўрик экилгани маъқул.

- Томчилатиб суғориш йўли билан тепалик жойни тўлиқ ўзлаштириш, курғоқчиликка, совуққа чидамли маҳаллий дарахт ва буталарни жой рельефига мос жойлаштириш масалаларини, Чўпонота тепалигининг атрофларига уч қатор қилиб садақайрағоч (гужум), каштан аралаш экиш, сойларга эса жийда, бодом, учқат, дўлана, ёввойи гилос, наматак, қир тепаларига арча экиш, текис майдонларда гулзорлар ташкил қилиш масалаларини кўтариш мақсадга мувофиқдир.

- Самарқанд шаҳридаги марказий парkning умумий майдони 20 гектарни ташкил қилади. Шаҳардаги мавжуд Темир йўл тумани парки, Суғдиёна ва Саттепо массивларидаги паркларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда улар 50 гектар майдонга эга. Бу меъёрий нуқтаи назардан жуда кам, яъни 36% ни ташкил қилади. Шунинг учун биз ҳозирги Ахунбабаев кўчасига бириккан ва шаҳар қурилишига ноқулай бўлган умумий майдони 38 гектарлик жойда қўшимча тарзда шаҳар аҳолиси учун янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил қилишни таклиф этамиз. Ана шундай таклиф билан СамДАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедрасида “Ландшафт архитектураси” фанидан курс лойиҳаси бажарилган. Ушбу лойиҳани асос қилиб олган ҳолда масалани малакавий тарзда ечиб, уни шаҳар ҳокимияти олдига қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- Бизнингча Самарқанд шаҳрида бажариладиган ҳар бир ландшафт элементи тарихий шаҳар шуурига мос тушадиган бадийликка эга бўлиши керак. Шундай экан Самарқанд шаҳрининг бош меъморий режасини амалга ошириш ишлари олиб борилаётган айни кунларда, унинг бўлимлари таркибига шаҳар атрофидаги мавжуд табиий ландшафтни тадқиқ қилиб, унинг тоғлари, сойлари, тепаликлари, каналлари, булоқлари, боғлари, тарихий карвон йўлларини ўзига қамраб олган ягона ландшафт харитасини тузиш, яъни ландшафт режалаштириш ишлари билан ҳам шуғулланиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Самарқанд шаҳри ва вилоятининг мустақиллик йилларидаги архитектураси ва шаҳарсозлигига назар ташлар эканмиз, жуда қисқа вақт ичида эътиборга молик кўп ижобий ишлар бажарилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Биз юқорида Мустақиллик даврида Самарқанд шаҳри ландшафт архитектурасининг шаклланишида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида мухтасар тўхтаб ўтдик, ютуқларни мустаҳкамлаш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимни баҳоли кудрат билдирдик. Энди Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, ҳокимиятлардаги архитектура ва шаҳарсозлик бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ва, ниҳоят, шаҳар архитекторлари ушбу мулоҳазалар ва фикрларга ўз нигоҳларини қаратар деган умиддамиз.

Ишончимиз комилки, бизнинг тадқиқотимизда аниқланган ушбу анъаналар, меъморий йўналишлар ва ижодий услублар Самарқанд шаҳри ва вилоятининг яқин келажакдаги ландшафт архитектураси тараққиёти учун дастури амал бўлиб хизмат қилади ва улар яқин йиллар ичида ўз мавқеини йўқотмайди.

Мен маърузамни тугатдим. Эътиборларигиз учун катта раҳмат!



